Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

№ 265 (20. 233) • 1988 йил 17 ноябрь • пайшанба Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ!

ЎРТОҚ М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ

15 ноябрь куни Орёл шаҳридаги кенгашда сўзлаган нутқи

Ўртоқлар, биз Орёлдаги учрашувимизни тугаллаяпмиз. Ўйлайманки, бу учрашув ўз қатнашчиларининг состави жиҳатидан ҳам, шу кунларда кўриб чиқилган муаммолар ва масалаларнинг кўламлари жиҳатидан ҳам оддий воқеа доирасидан анча ташқарига чиқади. Учрашув қайта қуришнинг ғоят муҳим босқичида ўтаётганлигини ҳамда унда ички сиёсатимизнинг туб масалалари ва энг аввало озиқ-овқат муаммосини ҳал этиш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилишга асосий эътибор берилганлиги ҳисобга олинадиган бўлса, кенгаш, афтидан, партия ва мамлакат турмушида муҳим воқеа бўлиб қолиши керак. Бу учрашув аграр сиёсат масалаларини янада теран англаб олиш йўлидан ишонч билан олға бошлайди, деб ўйлайман. Биз аграр сиёсат масалаларини партия Марказий Комитетининг февраль Пленумида муҳокама қилишимиз керак.

М. С. Горбачев кенгашда нутқ сўзлаётган пайт.

ТАСС махсус мухбирлари, Э. Песов ва В. Зуфаров телефотоси.

Биз Орёл областининг иш тажрибаси билан танишдик. Шу муносабат билан мен область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Е. С. Строев ҳамда учрашувда сўзга чиққан колхоз ва совхозлар, ижара пудрати асосида ишлаётган коллективлар раҳбарларининг ахборотларини тинглаш давомида уларнинг юксак даражада ва далиллар билан исботланганлигини айтиб ўтишни истар эдим. Биз колхоз ва совхозларда бўлиб, ижарачилар, хўжаликларнинг раҳбарлари, мутахассислар билан суҳбатлашдик. Мана шу ажойиб рус диёрининг аҳолиси билан яхши, инсоний суҳбатлар ва учрашувлар бўлиб ўтди. Бу ҳам анча муҳим ва сабоқли бўлди.

Ҳар ҳолда, қишлоқда иқтисодий муносабатларни қайта қуриш соҳасидаги ишлар бу ерда қандай кўламда бораётганлигининг янада тўлароқ манзараси ҳаммамизнинг кўз ўнгимизда намоён бўлди, деган яқдил фикрдамиз. Эҳтимол, қайта қуриш бу ерда, Орёл областида ҳозирнинг ўзидаёқ умумхалқ ҳаракатига айланди, десак ортиқча баҳо бермаган бўламиз. Бу ҳаракат ҳозирдаёқ ўз самараларини бериб, колхоз ва совхозларнинг ишлаб чиқариш фаолияти ва иқтисодий кўрсаткичларига, пировард натижада Иттифоқ республика фондига маҳсулот етказиб бериш планларини бажаришга, шунингдек область аҳолисини таъминлашга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бунда ҳамма нарса мантиқан бир-бирига боғлиқдир.

Биз партия ташкилотининг, бутун аграр секторнинг бу ишини область меҳнаткашлари юксак баҳолаётганлигини ҳис этдик. Бу қайта қуришнинг конкрет натижалари бўлиб, уларни халқнинг ўзи сезиб турибди.

Биз ана шу учрашувлар чоғида, қисқа, аммо сермазмун икки кун давомида ўзаро мулоқотда бўлиб, фикрлашиб, ўз позициямизни текшириб, келгусидаги режаларимизни таққослаб, озиқ-овқат муаммосини ҳал этишга ёндашувларимизни қиёслаб олдик, албатта. Бу ҳам зарур, ҳам фойдалидир. Чунки гап ҳақиқатан ҳам барча совет кишиларининг, бутун мамлакатнинг бевосита манфаатларига дахлдор бўлган жуда катта ҳаётий масалалар тўғрисида бормоқда.

Мана шу учрашувлар чоғида ва бу ерда, шунингдек колхоз ва совхозларга борган чоғимизда бўлиб ўтган ўртоқларча мулоқот, фикрлашув ҳамма нарсани пухта ўйлаб кўришимиз учун бизга яхши замин бўлади, чунки ана шу фикрлашувларда мамлакатнинг у ёки бу регионидаги турли конкрет шароитларда тўпланган иш тажрибаси ўз аксини топган. Бу эса ҳаммамиз учун жуда муҳимдир, чунки бизда қишлоқ хўжалиги ишлари турли табиий-географик ва социал-иқтисодий шароитда олиб борилмоқда.

Мана шу икки кунлик иш якунларидан қандай хулосалар чиқариш мумкин?

Биринчи. Орёлликларнинг иш тажрибаси биз танлаб олган қишлоқда иқтисодий муносабатларни тубдан қайта қуриш, хўжалик ҳисобини қўлланиш, ижарани ривожлантириш, одамни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳақиқий хўжайини сифатида заминга, ишлаб чиқариш воситаларига қайтарадиган шароитни яратишнинг катта йўли тўғри эканлигини тасдиқлайди.

Ҳозирги вақтда мамлакатнинг барча зоналарида, агросаноат комплексиинг барча тармоқларида у ёки бу даражада ижара муносабатлари тажрибасига эгамиз. Бу тажриба шу йилнинг 12 октябрь куни партия Марказий Комитетида бўлиб ўтган учрашувда анча кенг ва ҳар томонлама муҳокама этилди. Учрашув материаллари эълон қилинди. Бу материаллар қишлоқ меҳнаткашларидагина эмас, шу билан бирга бутун мамлакатда катта қизиқиш уйғотди. Шунинг учун ҳам ҳозир мазкур муаммонинг барча жиҳатларини яна батафсил баён этиб бериш, мана шу масалаларни конкретлаштириш зарурати бўлмаса керак. Ҳозирнинг ўзидаёқ қишлоқда хўжалик юритишнинг янги методларига ўтиш, ишлаб чиқариш муносабатларини қуриш ва энг аввало ижара муносабатлари тез самара бераётганлигига ҳамма жойда амалда ишонч ҳосил қилдилар.

Биз кеча ва бугун бу ерда, Орёл областида мана шунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Ижарага ўтган айрим ижарачи коллективларнинггина эмас, шу билан бирга бутун-бутун колхоз ва совхозларнинг тажрибаси шундан далолат бериб турибди. Мана биз кеча сиз билан бирга Орёл районидаги партия XXII съезди номли, Урицкий районидаги партия XX съезди номли колхозларнинг иши билан танишдик. Кўриб турибсизки, бу хўжаликлар кейинги икки-уч йил ичида ҳосилдорлик, моллар маҳсулдорлиги жиҳатидан юксак кўрсаткичларга эришдилар. Бу эса мазкур хўжаликларнинг барча иқтисодий натижаларини ўзгартирди ва умуман ана шу коллективларнинг бутун турмушига анча таъсир кўрсатди.

Аммо гап фақат ўз-ўзидан ғоят муҳим бўлган ишлаб чиқариш кўрсаткичларидагина эмас. Кеча биз янгича фикрлай бошлаган кишилар билан учрашдик, уларнинг ишга, меҳнатга, ўз хўжаликларини ривожлантириш истиқболларига муносабати ўзгарган. Улар ўз қишлоқларини социал ва маданий жиҳатдан ривожлантириш тўғрисида ўйламоқдалар, шаҳарларнинг ишчиларини, аҳолисини таъминлаш учун қандай қилиб кўпроқ ва яхшироқ сифатли маҳсулот етказиб бериш тўғрисида ўйламоқдалар. Булар ўзига ишонган ва жуда катта вазифаларни ҳал этаётган ҳақиқатан ҳам давлат одамларидир! Мен мана шу учрашувнинг барча қатнашчилари номидан уларнинг ижодий, новаторона меҳнати учун ва улар қатъий эгаллаб турган давлат манфаатларини кўзловчи позицияси учун уларга самимий миннатдорчилик изҳор қилишни, раҳмат айтишни истардим. Улар юлғичлар эмас... **(Қарсаклар).** Улар пул кетидан қуваётган юлғичлар эмас. Биз ишчилар синфи тўғрисида, мамлакат ҳақида ўйлаётган одамлар билан учрашдик. Бу жуда яхши, ўртоқлар.

Мана соҳиблик туйғусини қарор топтириш, заминдан ва ишлаб чиқариш воситаларидан бегоналашувни бартараф этиш одамнинг турмушига, жамиятга нисбатан муносабатини ва албатта ўз ўртоқларига нисбатан муносабатини қанчалик ўзгартириб юборади. Энг муҳими-биз буларнинг ҳаммасини одамларнинг ўз оғзидан эшитдик. Улар ўзларининг янги мавқеидан, ўз ютуқларидан фахрланмоқдалар.

Иккинчи. Ишлаб чиқариш-иқтисодий муносабатларни қайта қуришни деҳқончиликда турмуш шароитини ўзгартириш билан мустаҳкам боғлаш аграр секторни юксалтиришга чинакам туртки бераётганлигига биз бу ерда яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Орёлликларнинг тажрибаси қишлоқлар ва посёлкаларда одамлар ўзларининг турмуши тўғрисида, меҳнат ва дам олиш шароитини яхшилаш ҳақида реал ғамхўрлик қилинаётганлигини ҳис этган жойларда уларнинг ижодий активлиги қанчалик ўсиб бораётганлигини яна бир бор кўрсатиб турибди. Демак, капитал маблағлар йўналишини янада дадилроқ ўзгартириш, қишлоқни социал қайта қуриш ҳажмлари ва суръатларини ошириш керак. Кўпроқ уй-жойлар, мактаблар, касалхоналар, йўллар, савдо, маданий ва коммунал-маиший соҳа корхоналарини қуриш лозим. Бунинг учун барча имкониятлар ва манбалардан фойдаланиш даркор. Айни пайтда кўриб турибмизки, Орёл областида бу ишни улар учун кимдир бажаради деб кутмайдилар ва қишлоқни қайта қуришни умумхалқ ишига айлантирдилар. «Сто программаси» сизнинг эътиборингиздан четда қолмади. Бу жуда катта аҳамиятга эга бўлган тажрибадир.

Гап нима тўғрисида бормоқда? Моддий ва молиявий ресурсларни, қурувчилар куч-ғайратини, партия, совет ва хўжалик органларининг эътиборини бир жойга жамлаш ҳисобига область колхоз ва совхозларининг зарар кўриб ишлашини бартараф этиш вазифасини қисқа муддат ичида ҳал этиш тўғрисида бормоқда. Бу Орёл области бутун партия ташкилоти ва барча меҳнаткашларининг иши бўлиб қолди.

Мазкур «Сто программаси» энг аввало область агросаноат бирлашмаси қурувчиларига топширилганлиги тўғрисида менга сўзлаб бердилар. Бундан ташқари областнинг шаҳарларда капитал қурилиш ишларини олиб бораётган қурилиш ташкилотлари ҳам бу муаммони ўз зиммаларига олдилар. Ўйлайманки, бу катта тажриба ва уни кўпгина районларда қўлласа бўлади.

Биз посёлкалардан бири билан танишган пайтимизда, ўртоқ Строев бу ишлар деярли ажратилган ресурслар ва капитал маблағлар доирасида амалга оширилаётганлигини тушунтириб берди. Область ҳеч қандай қўшимча маблағ олмади. Аммо у капитал маблағлардан ва умуман ресурслардан ҳамда қурилиш ташкилотларининг қувватларидан фойдаланишга ёндашувни ўзгартирди. Бу борада концентрациялаш йўлидан бордилар, муаммога ўз ёндашувини ана шу программа орқали белгиладилар. Илгари ҳам маблағлар бор эди. Бироқ улар сочиб юборилар ва самара бермас эди. Бундай ёндашув эса тез орада ғоят қизиқарли натижалар берди. Деярли ташландиқ ҳолга келган қишлоқлар ва поселкалар ҳаётга қайтарилмоқда, ерлар ва қишлоқ хўжалик майдонлари яна қайтадан оборотга киритилмоқда. Ҳозирги пайтда қишлоққа келишни, деҳқончилик билан шуғулланишни истаётганлар жуда кўп эканлиги маълум бўлди. Сизларни билмадимку, аммо менда ижара коллективларининг раҳбарлари Елена Сергеевна Знаменская ва Владимир Эрбертович Райснинг нутқлари жуда зўр таассурот қолдирди. Елена Сергеевна асли шаҳарлик бўлиб, ўша ерда туғилган, техникумни тамомлаб мутахассислиги бўйича қурувчи-техник бўлиб ишлаган. Мана у янги ишга қўл урди. Шуни айтиш керакки, бу ишни жуда яхши уддаламоқда.

Ўртоқ Райс олис Қозоғистондан келган. Уни бу ерда хушнудлик билан кутиб олишди, янги дўстлар орттирди ва икки йилдан камроқ вақт ичида кўп ишларни қилишга улгурди. Ўртоқ Знаменская икки йил ичида қўшимча равишда 1500 килограмм, ўртоқ Райс эса 1800 килограмм сут соғиб олишга эришганлиги жуда қувонарли воқеадир.

Аммо гап фақат шундагина эмас. Мен бу кишилар айтган фикрлардан чинакамига қувондим. Улар дуруст иш ҳақи олмоқда. Лекин ҳозир улар учун асосийси иш ҳақи эмас. Улар ўз қишлоқларини келгусида ривожлантиришни ва уларнинг бўлажак турмушини қандай тасаввур қилишлари тўғрисида бизга сўзлаб бердилар. Бу қишлоқда, одамларнинг кайфиятида, дунёқарашларида ва қалбида рўй бераётган янги, ҳозирги даврнинг, катта ўзгаришларнинг фавқулодда муҳим нишоналаридир.

Учинчи. Орёл областининг мураккаб шароитида қандай ишлар амалга оширилаётганлигига назар ташласангиз, табиий равишда ўз-ўзидан шундай савол туғилади: бошқа жойларда, бунинг учун анча яхшироқ имкониятларга эга бўлган бошқа регионларда нима учун шундай қилинмаяпти? Нима учун кўплар ҳамон нимандир кутишаяпти, нимагадир умид боғлашаяпти, оддий қилиб айтганда, ўзларини тайёрга айёрлик қабилида тутишяпти? Мен илгари бу ҳақда гапирган эдим. Бироқ бундай ёндашув мақбул эмаслигини, у тубдан хато эканлигини бугун ҳам айтиб ўтиш ўринлидир. Орёлликларнинг ташаббуслари ва амалий ишларини қизғин маъқуллаб — мен қишлоқ ва шаҳар меҳнаткашларини, партия ташкилотлари, советлари, комсомол, касаба союзлар, бутун жамоатчиликнинг аграр секторни қайта қуришга оид ишларини нарда тутаяпман, биз бутун мамлакатга ҳамма учун эскича ёндашувларни ўзгартириш, фикрлаш ва ҳаракатларни янгилаш пайти келди, деб айтишимиз керак. Умман халқ орасида айтилганидек, енг шимариб ишга киришиш даркор.

Тўртинчи. Орёл областининг ишлари билан танишув озиқ-овқат етиштиришни кўпайтириш ҳозирги вақтда энг аввало қишлоқда иқтисодий муносабатларни қайта қуриш масалалари қандай ҳал этилаётганлигига боғлиқ эканлигини яна бир бор тасдиқлайди. Бу энг муҳимидир. Буни ҳамма яхши тушуниб олиши лозим. Нима учун мен бу ҳақда яна бир марта гапириб ўтишни зарур деб ҳисоблаяпман? Шунинг учунки, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг бўлиб ўтган сессиялари ҳам, бошқа республикалар Олий Советларининг сессиялари ҳам ҳали кўпчилик бундан беш ва ўн йил илгари бўлганидек, ўзларининг барча нутқларида қишлоқ хўжалигига, унинг моддий-техника таъминотига ҳали кўп нарса етишмаётганлигига асосий эътиборни қаратишга ўрганиб қолганликлари ва ҳамон шундай қилаётганликларидан далолат беради.

Бу тўғри, ўртоқлар. Агар ана шундай нутқлардаги баъзи ортиқча ҳиссиётларга берилишни назарда тутмасак, аслини олганда, бу нутқлар тўғри, мен уларни рад этмайман. Кўп нарса ҳали етишмайди ва ҳозир бу вазифа тезроқ ҳал этилиши учун жуда кўп иш қилинмоқда. Мен техника, химиялаштириш воситаларини назарда тутаяпман. Буларсиз замонавий интенсив технологияни ўзлаштириб бўлмайди. Маҳсулотни қайта ишлаш базаси ҳам жуда орқада қолди. Йўлларнинг яхши эмаслиги қишлоққа катта зарар етказмоқда. Буларнинг ҳаммаси реал муаммолардир ва ҳозир ана шу муаммоларга оид қарорлар қабул қилинди, ишлар бошлаб юборилди.

Аммо муҳими, шу нарсани яна бир бор таъкидлашни истайманки, ишлаб чиқариш муносабатларини қайта қуришдир. Ижара пудрати асосида ишлаётган коллективларда ердан, биналардан, техникадан ва ўғитдан қандай фойдаланилаётганлигига назар ташлаг. Бу коллективлар ресурсларни камроқ сарфлаб, анча кўп натижаларга эришаётганликлари маълум бўлди. Орёл области меҳнаткашларининг тажрибаси ҳам мана шундан далолат беради. Улар моддий-техника базаси соҳасида бошқаларга нисбатан ҳеч қандай алоҳида имтиёзларга эга эмаслар. Илгари айтиб ўтилганидек, бу жиҳатдан область мамлакатдаги кўпгина республикалар ва областларга нисбатан ҳатто кам таъминланган. Ўртоқлар, мен буни шунинг учун ҳам гапираяпманки, бир қанча регионларда қишлоқ хўжалигига раҳбарлик соҳасидаги ношудлик билан олиб борилаётган яроқсиз ишларни ва паст натижаларни моддий-техника ресурслари етишмаслиги билан оқлашга уринишмоқда. Кейинги икки йил ичида Орёл областида бу соҳада ҳеч қандай кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмади. Аммо иқтисодий муносабатлар тубдан ўзгара бошлади ва улар амал қилиб, ўз самараларини бермоқда.

Бешинчи. Кўриниб турибдики, биз аграр секторда чуқур ўзгаришлар даврига кира бошладик. Илм-фан маълумотлари ҳам, тўпланган тажриба ҳам биз танлаб олган стратегик йўл тўғри эканлигини тасдиқламоқда. Лекин қайта қуриш биз аграр секторда илмий тадқиқотларни пухта ривожлантиришимизни тақозо этади. Мен бу борада Владимир Ильич Калашников айтган фикрни қизғин қўллаб-қувватлайман. Биз саноатда ҳам, бошқа соҳаларда ҳам иқтисодий муносабатларни қайта қуриб, ишни асосли тарзда зўр куч билан олиб боришимиз керак. Айни вақтда янги технологиялар тўғрисида, фан ва техника ютуқларидан фойдаланиш ҳақида ҳам ўйлашимиз керак, чунки бу айни бир жараён — мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг икки жиҳатидир.

Бизда бу борада ишлаб чиқариш муносабатларини қайта қуриш ва структуравий сиёсат, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини жойлаштириш ва аграр сектор инфраструктурасини ривожлантириш билан боғлиқ кўпгина амалий ва назарий муаммолар тўпланиб қолди. Ҳозир биз колхозлар ва совхозларнинг имкониятидан амалда қандай фойдаланишимиз, социалистик мулк имкониятларини қандай намоён этишимиз кераклигини тушуниб етишнинг бутунлай янги даражасига чиқиб олишимиз зарур.

Ниҳоят, колхоз ва совхозларни ривожлантиришни гражданларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликлари билан, саноат, савдонинг ёрдамчи қишлоқ хўжалиги корхоналари билан уйғунлаштириш муаммоларини ишлаб чиқиш ва ўрганиш биз учун муҳимдир. Умуман аграр секторни ривожлантиришни мамлакат саноати билан қай тариқа уйғунлаштиришимиз лозим эканлигини ўрганиб чиқиш керак. Биз ерларни мелиорациялаш ва заҳини қориш, экинлар ва чорвачилик тармоқларини энг мақбул тарзда жойлаштиришга ўтиш, қишлоқни социал ривожлантириш билан боғлиқ кўпгина амалий масалаларни ҳам чуқур илмий асосда ишлаб чиқишимиз зарур. Бу борада биз ВАСХНИЛ олимларинингтина эмас, шу билан бирга СССР Фанлар академияси олимларининг ҳам тобора катта ҳисса қўшишларига умид қилишга ҳақлимиз.

Кўриб турибсизки, ўртоқлар, биз кўп нарсаларни ҳали пухта ўйлаб олишимиз ва ҳал этишимиз керак. Биз қишлоқда иқтисодий муносабатларни қайта қуришни, қишлоқни социал қайта қуришни ташкилий жиҳатдан таъминлаш соҳасида партия олиб бораётган ишни тубдан яхшилашимиз лозим. У ёки бу республика, ўлка, область,

(Давоми иккинчи бетда).

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг МАМЛАКАТ АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИДАГИ КОММУНИСТЛАРГА, ФЕРМАЛАРНИНГ МЕҲНАТЧИЛАРИГА, БАРЧА ХОДИМЛАРИГА

ХАТИ

1988-89 йил куз-қиш даврида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун мавжуд имкониятлардан янада тўлароқ фойдаланиш тўғрисида

Ҳурматли ўртоқлар!

Халқимиз қайта қуришнинг муваффақиятини кўп жиҳатдан озиқ-овқат масаласининг ҳал этилиши билан боғламоқда. Агросаноат комплексининг ходимлари жуда яқин вақт ичида кўпроқ ва сифатлироқ озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беришларига жамият ниҳоятда муҳтождир.

Бу соҳада олға силжишлар бор. КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленумидан кейин ўтган даврда мамлакат аҳолиси ҳар йили 2,6 миллион киши кўпайиб борган бўлса ҳам жон бошига гўшт ва гўшт маҳсулотлари истеъмол қилиш 6 килограмм, сут ва сут маҳсулотлари истеъмол қилиш 48 килограмм, тухум истеъмол қилиш 20 донадан кўпроқ ошди.

Ҳозирги вақтда КПСС XXVII съезди ва XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг йўл-йўриқларига асосланиб, қишлоқ хўжалиги соҳасида ва у билан боғлиқ тармоқлардаги ишларнинг энг муҳим йўналишлари белгиланди. Хўжалик юритишнинг янги методларини жорий этиш, интенсив технологияларни ўзлаштириш, қишлоқни социал жиҳатдан қайта қуриш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва сотишнинг замонавий индустриясини барпо этиш шулар жумласидандир. Белгиланган режаларни амалда рўёбга чиқариш мамлакатнинг озиқ-овқат ресурсларини кўпайтиришга, аҳоли овқатланишини яхшилашга имкон беради. КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил бошларида бўладиган Пленуми аграр сиёсатнинг асосий масалаларини комплекс тарзда кўриб чиқади.

Ҳозир гап кечиктириб бўлмайдиган юмушларимиз ҳақида боряпти. Мамлакатнинг кўпгина районларида озиқ-овқат таъминоти энг ўткир муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Бир қанча регионларда гўшт ва сут етиштириш секинлик билан кўпаймоқда, баъзи жойларда эса ҳатто камайиб кетмоқда. Бу гап биринчи навбатда Тожикистонга, Қалмиқ АССРга, Бошқирдистонга, Красноярск ўлкасига, Псков, Калининград, Днепропетровск, Николаев областлари ҳамда бошқа баъзи областларга тааллуқлидир. Украинада, Қозоғистонда, Шимолий Осетияда, Архангельск, Омск, Сахалин областларида, бошқа бир қанча жойларда кўпгина хўжаликлар куз ойларида, ҳозиргацаёқ сут етиштиришни камайтириб юбордилар ва молларнинг семириб, эт олиши камайишига йўл қўймоқдалар, чорва туёғини асоссиз равишда камайтирмоқдалар.

Чорвачиликни ем-хашак билан таъминлашда кескин вазият вужудга келди. Волгабўйи, Урал, Ғарбий Сибирь ва Қозоғистонда қаттиқ қурғоқчилик сабабли, шунингдек, ем-хашак етиштиришдаги жиддий камчиликлар, технологияларни бузиш оқибатида мамлакатнинг кўпгина хўжаликларида пичан, сенаж, силос ўтган йилгидан камроқ тайёрланди. Ембоп донни зарур миқдорда олишга муваффақ бўлинмаганлиги сабабли ишлар янада мушкуллашмоқда. Чорвачилик маҳсулдорлиги пасайишига йўл қўймаслик, ўтган даврга нисбатан кўпроқ гўшт, сут ва тухум етиштириш учун анчагина куч-ғайрат сарфлаш талаб этилади.

Шундай шароитда партия Марказий Комитети мамлакат агросаноат комплексидаги коммунистларга, фермаларнинг меҳнатчиларига барча ходимларига мурожаат қилиб, уларни чорвачилик маҳсулотлари етиштириш кўпайтириш учун барча резерв ва имкониятлардан мумкин қадар кўпроқ фойдаланишга, бошланган қишлоқ қийинчиликлари олдида юксак уюшқоқликни, меҳнат ва технология интизомини таъминлашга чақиришни зарур, деб топди.

Дастлабки кунларданоқ барча фермалар ва комплексларнинг, ҳар бир озуқа цехи ва озуқахонанинг бир маромда ишлашини йўлга қўйиш лозим. Ишни сира ҳам пайсалга солиб бўлмайди, чунки вақтни бой бериш — маҳсулотни бой бериш демакдир. Қишга ғамлаб қўйилган ем-хашакни пухта сақлаш ва ундан омилкорлик билан фойдаланиш зарур. Энг юқори даражада самара олиш учун ем-хашакнинг ҳар бир килограммини оқилона ишлатиш керак. Маҳсулот бирлигига ҳисоблаганда концентратлар сарфини камайтириш, уни ембоп дон, оқсилли-витаминли моддалар ва бошқа қўшимчалар билан бойитмасдан, тегишлича тайёрламасдан молга берилишига йўл қўймаслик, айниқса, муҳимдир. Бу нарса камроқ сарф-ҳаражат билан қўшимча маҳсулот олиш имконини беради.

Пудратнинг, ижара муносабатларининг, кооперациянинг турли формаларини кенг кўламда ўзлаштириш, умуман колхоз ва совхозларнинг тўла хўжалик ҳисобига ҳамда ўзининўзи пул билан таъминлашга ўтишини ниҳоясига етказиш — фермалар маҳсулотини жадал кўпайтиришга олиб борадиган энг қисқа йўлдир.

Янгича иш шароитига ўтган меҳнат коллективлари ўзларини чинакам хўжайинлар, деб ҳис этаётганликлари, кўпроқ масъулият, ташаббус кўрсатиб, ишбилармонлик қилаётганликлари маълум.

(Давоми иккинчи бетда).

М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ КУБАГА ҚИЛАДИГАН ВИЗИТИ ТЎҒРИСИДА

Куба Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Куба Республикаси Давлат кенгаши ва Министрлар Советининг Раиси Фидель Кастро Руснинг таклифига мувофиқ, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. С. Горбачев шу йил декабрь ойининг биринчи ярмида расмий дўстона визит билан Куба Республикасига боради.

М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ БУЮК БРИТАНИЯГА ҚИЛАДИГАН ВИЗИТИ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. С. Горбачев Буюк Британия раҳбариятининг таклифига биноан шу йил декабрь ойининг ўрталарида расмий визит билан Буюк Британияга боради.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ТЎҚҚИЗИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг тўққизинчи сессияси 1988 йил 18 ноябрь куни эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари 17 ноябрь соат 10 дан соат 19 гача Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг биносида ва 18 ноябрь куни эрталаб соат 8 дан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети мажлислар залининг фойесида рўйхатга олинадилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ОҚСОҚОЛЛАР КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети оқсоқоллар кенгашининг мажлиси 18 ноябрь куни соат 9 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида бўлади.

ЎРТОҚ М. С. ГОРБАЧЕВ НУТҚИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

колхоз, совхозда ишларнинг қандай бориши кадрларимиз, партия ташкилотлари, партия комитетлари қандай ишлаётганлигига кўп даражада боғлиқ эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилмоқдамиз.

Шуни рўй-рост айтиш керакки, ўртоқлар, бу борада биз жуда орқада қоляпмиз. Мамлакат озиқ-овқат таъминотини қатъиян яхшилашга мўлжалдир. Биз бу вазифани қай тарқа тезроқ ҳал этиш тажрибасига эгамиз. Ва ниҳоят, қишлоқ меҳнаткашлари онгида қишлоқда ўзгаришлар зарурлигини англаш сари туб бурилиш бошланди. Бироқ мана шу ишларнинг ҳаммаси кадрлар айрим қисми тутаётган позиция туфайли кўп даражада секин бормоқда. Яширишнинг ҳожати йўқ, агросаноат комитетлари ҳамда партия ва совет органлари ҳам кўп ҳолларда бу ишни амалга оширишда сусткашлик қилмоқдалар, ниманидир кутмоқдалар. Бунинг сабаби нимада? Ижара муносабатлари хўжалик ҳисобига ўтиш маъмурий-буйруқбозлик системаси базасига, асоссиз тарзда аралашув практикасига путур етказмоқда, кўпгина кадрларимиз эса эскича ишлашга жуда ўрганиб қолишган, ўртоқлар, баъзилар эса эндиликда умуман бошқача ишлаш олмаяпти.

Буларнинг ҳаммаси ғоят жиддий масаладир. Бу вазифа ҳал этилиши учун бутун партия халқ олдида жавобгардир. Партия қишлоқда иқтисодий муносабатларни қайта қуриш, уни социал ривожлантириш жараёнларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун ўз тажрибасини ва ўзининг барча имкониятларини ишга солиши керак. Бу мамлакат учун қаётий зарурдир. Шундай экан, иш усулларини қатъиян ўзгартириш даркор. Мен иш суст бораётган ёки ҳамма иш эскича қолаётган жойларда ҳамма нарса ишнинг худди ана шу эски усулларига эскича ёндашувларга тақалмоқда, деб тўғридан-тўғри айтган бўлур эдим. Чунки иш усуллари ўзича мавжуд эмас-ку. Гап конкрет кишилар тўғрисида, эскирган ёндашувлар ва эскича қарашларнинг конкрет вакиллари тўғрисида бормоқда. Биз масалани айни мана шу тахлитда ўртага қўйишимиз керак. Энди умумий гаплардан кадрлар ва партия комитетлари фаолиятига конкрет баҳо беришга ўтиш пайти келди. Чунки бу ерда, Орёл областида биз кўриб турган нарса партия ташкилоти қишлоқ ва шаҳар меҳнаткашлари билан, раҳбар кадрлар билан олиб борган жуда катта ва диққат эътиборни талаб қиладиган ишлар туфайли амалга оширилди. Бу ишнинг бюрократик методларидан қатъиян воз кечиш асосида амалга оширилди. Бу ерда ўртоқ Строев ана шу ҳақда далил-исботлар билан гапирди.

Мана ҳозир қиш ойлари бошланиши муносабати билан бутун мамлакатда иш якунлари, жумладан хўжалик юритишнинг янги методларидан фойдаланган ва ижара пудрати принципларида меҳнат қилаётган коллективларнинг иш якунлари чиқарилмоқда. Келгуси режалар ишлаб чиқилмоқда. Бу партия ташкилотлари бутун мамлакатда қишлоқ меҳнаткашлари билан биргаликда қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатларини қайта қуришни қай тарқа дадил олга силжитиш мумкинлигини пухта ўйлаб олишлари учун энг қулай пайтдир. Бу масала хусусида партия комитетлари ва раҳбар кадрларимизнинг позицияси ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади, деб ўйлайман. Демак, ана шу позицияни эгаллаш ва шунга мувофиқ амалий ишларни йўлга қўйиш керак.

Ўртоқлар, биз турмушимизнинг биринчи галдаги долзарб муаммоларини ҳал этар эканмиз, ҳозирги давр хусусиятларини белгилаб бераётган масалаларнинг бутун комплексини диққат марказида тутишимиз зарур. Биз бу ларнинг ҳаммасини яқин ва олис истиқбол билан пухта таққослаб олишимиз ҳам керак. Ҳозир биз жамият учун ғоят мураккаб даврмасъулиятли қарорлар ва амалий ишлар даврига қадам қўйдик. Биз амалга ошираётган туб ижтимоий бурилиш даврида барча эски нарсаларни бирданига улоқтириб ташлаб, уларнинг ўрнига янги тартиб ўрнатиш мумкин бўлган ғоят оддий кўринган ва қатъий йўлни амалга оширишнинг ҳамиша ҳам иложи бўлавермайди. Биз ҳаммамиз яхшилик сари тезроқ ўзгаришлар бўлишини хоҳлаймиз, бу бутунлай тушунарлидир. Аммо турмуш анча мураккаброқдир. Эскилик билан янгилик ўртасидаги қураш осонликча бормайди. Баъзида позицияларнинг кескин тўқнашуви рўй беради. Қайта қуриш дастлабки йилларининг энг муҳим қоқиладиган бири шундаки, мана шу жиҳатларнинг ҳаммасини кўра билиш ва вазиятга реал баҳо бериш, у ёки бу томонга оғмаслик, осон йўлларни қидиришга ўринмаслик керак.

Тўғри, биз учун ҳозирча қийин бўлади. Аммо қайта қуриш жараёнида одамларнинг социал активлиги ўсиб бораётганлиги, янги-янги ечимлар изланаётганлиги ва ҳозирдаёқ дастлабки ютуқларга эришилаётганлиги умид бағишламоқда. Ахир қаранг-а, бугунги турмушимизнинг ўзи таниб бўлмас даражада ўзгарди. Одамлар пассивлик, лоқайдлик, бепарволик ҳолатидан чиқиб, қатъий гражданлик позициясига ўтиб олмоқдалар. Бу ахир жамиятда амалга оширилаётган чуқур ўзгаришларнинг муҳим хусусиятлари-ку. Ахир, биз қайта қуришни бошлаб, биз ишлаб чиққан сиёсатнинг амалга оширилиши айни шундай жараёнларни вужудга келтириб, жамиятимизни турғунлик, лоқайдлик ва бефарқликдан олиб чиқишига умид боғлаган эдик. Бугунги кунда биз ғоят мароқли жараённинг гувоҳлари ва қатнашчилари бўлиб турибмиз — демократия ва ошкоралик кенгайиб бораётган шароитда омманинг сиёсатга аралашуви тобора жадал суръатлар билан ошиб бормоқда. Кўз ўнгимизда одамларнинг сиёсатга муносабати ўзгармоқда. Етсираш, лоқайдлик ўтмишда қолмоқда. Ўзгаришларга интилиш мамлакатда миллионлаб кишиларнинг шахсий манфаатига айланмоқда. Бундай суронли жараён бир хил, бир томонлама ривожланиши мумкин эмас, албатта. Бу жараён турли нуқтаи назарлар, позициялар курашида, қайси йўлдан ва қандай боришимиз, ҳаракатимизнинг мақсади қандай эканлиги тўғрисидаги мунозаралар ва баҳсларда рўй бермоқда. Бу борада ҳаддидан ошиб-кетишлар ҳам содир бўлмоқда.

Бошқа жиҳатлар ҳам сезилмоқда. Қайта қуриш йиллари ҳаммамизнинг билимимиз ва тажрибамизни оширмоқда. Ақл-идрок ва мулоҳаза билан иш юритишга ўргатмоқда. Бу, шубҳасиз, қайта қуриш ғоялари ва вазифалари теварагида жамиятни жипслаштиришга ижобий таъсир кўрсатади, кўмаклашади. Ҳа, биз бугунги қизғин баҳсларда кўп нарсаларни муҳокама қиляпмиз. Ўтмишни англяпмиз, таҳлил этяпмиз, ҳозирги ва келгусидаги ишлар тўғрисида ўйлаяпмиз. Бу ғоят муҳимдир. Гарчи кечиктириб бўлмайдиган конкрет вазифалар ва амалий ишларни ҳал этишимиз зарур бўлса-да, одамларнинг янгиланиш фалсафасига ва унинг, айтиш мумкинки, бош лойиҳасига қизиқиши ғоят кучлидир. Ҳозирги пайтда социализм тўғрисидаги масала, биз нимани қурдигу, нимани қайта қуряпмиз, социализмнинг бўлажак қиёфаси қандай, умуман социалистик мезонлар қандай эканлиги тўғрисидаги масала мунозараларнинг асосий мавзуи бўлиб турганлиги бежиз эмас.

Экономикамизни олиб кўрайлик. Бу, шубҳасиз, ишлаб чиқариш воситалари ижтимоий мулклигига асосланган, улкан социал ғалабаларни таъминлаган планли хўжалик юритишнинг жуда катта тажрибасига эга бўлган социалистик экономикадир. Бироқ унда ўтган 70 йил мобайнида тўпланиб қолган қарама-қарши тенденциялар таъсири натижаларини ҳам сезмаслик мумкин эмас. Социалистик экономиканинг ҳозирги модели, унинг самарадорлик даражаси социалистик системада асос қилиб олинган хўжалик юритишнинг ички имкониятларига, ривожланиш ҳозирги босқичи талабларига мос келмаётганлиги ҳам шубҳасиздир. Бизнима учун шундай бўлганлигини сезиб турибмиз ва биламиз. Бунда энг муҳими мана шундан иборат: гап социализм тўғрисида эмас, балки заиф томонларимиз, социализмнинг ҳақиқатан жуда катта имкониятидан фойдалана билмаётганлигимиздадир.

Биз буни тушуниб етдик ва ҳозир хўжалик ҳисоби, ижара, кооперация орқали, иқтисодий муносабатларни қайта қуриш орқали инсонни фаол соҳиб сифатида ишлаб чиқаришга қайтариш, унинг маъмурий-буйруқбозлик системаси ҳукмронлик қилган даврда рўй берган ишлаб чиқариш воситаларидан бегоналашувига барҳам беришга ҳаракат қиляпмиз.

Социалистик тузум характеристикалари тўғрисидаги ва энг аввало социал адолатга тааллуқли тасаввурларимизнинг ўзида йўл қўйилган хатолар жамиятимизга энг кўп зарар етказди. Бу қандай содир бўлди? Биз одамларнинг социал жиҳатдан ҳимоя қилинишини таъминлашга асосий эътиборни қаратиб тўғри қилдик. Биз бу борада кўп нарсаларга эришдик ва бу билан ҳақли равишда фахрланамиз. Аммо бунда социалистик муносабатлар ишлаб чиқариш жиҳатларининг аҳамиятига етарли баҳо бермасликка йўл қўйдик, меҳнатдаги юксак натижаларни рағбатлантиришни сусайтириб юбордик. Бу эса пировард натижада жамиятда текисчиликни жадаллаштиришга, социал тайёрга айёрлик психологиясини жадаллаштиришга олиб келди. Турмушнинг ўзи бундай қилмаслик кераклигини кўрсатди.

Одам ўзининг эртанги куни тўғрисида ташвишланмаслиги аслида жуда ёмондир. Бундай ҳолатларда социал жиҳатдан ҳимояланиш осонгина жамиятнинг ўзидаги зиддиятга айланади. У омил ва ташаббусни сусайтиради, одамларнинг меҳнатга муносабатига салбий таъсир қилади. Шу муносабат билан одамларни яхшироқ, меҳнатсеварроқ, моддий ва маънавий жиҳатдан бадавлатроқ қиладиган социалистик ҳимояланишгина чинакам инсонпарвар ҳимояланиш эканлигини таъкидлашни истардим.

Социал-иқтисодий ривожланишни марказлаштирилган планли бошқаришнинг роли ва методлари тўғрисидаги тасаввурларимиз бирмунча янглиш бўлиб чиқди. Практикамизда планлилик билан бозорнинг таркибий қисми бўлади. Мана шундай ғоят катта ҳажмдаги мураккаб ишни бир ўтиришдаёқ бажаришнинг иложи йўқлигини равшан кўриш керак. Бунда қандайдир босқичлар бўлиши муқаррар. Ишни чинакам демократик, кенг ваколатли марказий ҳокимият органларини тузишдан бошлаш керак эди, албатта. Биз худди шундай қилмоқдамиз.

Шу кунларда жамиятда СССР Конституциясига киритиладиган ўзгартишлар ва қўшимчалар тўғрисидаги Қонун билан СССР халқ депутатларини сайлаш ҳақидаги Қонуннинг матбуотда эълон қилинган лойиҳалари тобора кенг қўламда муҳокама этилмоқда. XIX партия конференциясининг йўл-йўриқларини рўёбга чиқариш борасида жуда муҳим амалий қадам қўйилди. Ана шу йўл-йўриқлар асосида ишлаб чиқиладиган Қонун лойиҳалари ва авж олдириладиган сиёсий практика ислоҳот биринчи босқичининг асосий мазмунини ташкил этади.

Ноябрь ойи охирларида йиғиладиган СССР Олий Советида умумхалқ муҳокамасига якун ясалади ва мазкур Қонун лойиҳалари кўриб чиқилади. Матбуотда хабар қилинганидек, ҳозиргача 80 мингтадан кўпроқ фикр-мулоҳаза билдирилган хатлар олинди, бунинг устига ана шу хатлар конкрет таклифлар киритиб, мулоҳазаларини билдираётган гражданлар ва ташкилотлардангина келган эди. Партияда, жамоат ташкилотларида, меҳнат коллективларида, сиёсий клубларда, матбуот саҳифаларида олиб борилаётган мунозаралар ва муҳокамаларда эса миллионлаб кишилар қатнашмоқдалар. Фикр-мулоҳазаларнинг моҳиятига келганда эса Қонун лойиҳалари кенг қўллаб-қувватланмоқда деб айтаман. Одамлар ана шу лойиҳаларни XIX партия конференцияси қарорларининг амалдаги ифодаси деб билмоқдалар.

Шу билан бирга кўпгина танқидий фикр-мулоҳазалар ҳам билдирилмоқда, амалий таклифлар киритилмоқда. Кўпгина шундай таклифлар ҳам борки, улар сиёсий ислоҳотнинг ҳозирги босқичи доирасидан ташқарига чиқади. Уларни эслаб қолиш ва келажак учун диққат марказида тутиш керак. Таклифлар, фикр-мулоҳазалар орасида шундайлари ҳам учраб турибдики, менимча, улар номақбулдир. Аммо шошқалоқлик қилмайман. Қонун лойиҳаларини тайёрлаш комиссиялари ҳам, СССР Олий Советининг Президиуми ҳам, СССР Олий Советининг ўзи ҳам улуғ масалалар билан шуғулланадилар. Биз биргаликда, демократик йўл билан энг мақбул қарорларни топамиз деб умид қиламан.

Сиёсий ислоҳот навбатдаги босқичининг мазмуни қандай тасаввур этилаётгани ҳақида бир неча оғиз сўз. Маҳаллий ўзини ўзи бошқарув тўғрисидаги Қонунни тайёрлаш мана шу босқичнинг марказидадир. Бу Қонун Советларнинг фаолиятига пухта моддий пойдевор қўйиши лозим. Республика ва иттифоқ аҳамиятидаги корхоналардан маҳаллий ҳокимият органларининг бюджетига ажратмалар улуши қандай бўлиши керак? Маҳаллий хўжалик ҳисоби нима? Мана шу ва бошқа кўпгина масалалар олимларнинг, мутахассисларнинг, совет ва партия ходимлари, ҳукумат идоралари ходимларининг иштирокида ҳозирдаёқ муҳокама қилинмоқда. Мазкур Қонун шу қадар муҳимлиги яққол кўриниб турибдики, уни умумхалқ муҳокамасига қўйишга тўғри келади.

ССР Иттифоқи билан Иттифоқдош республикалар ўртасидаги муносабатларни такомиллаштириш, уйғунлаштириш ислоҳотнинг иккинчи босқичи доирасида алоҳида ўрин олиши керак. Бу масала на фақат иқтисодий, шу билан бирга сиёсий масала эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз. Бу масала миллатлараро муносабатлар каби муҳим ва нозик соҳа билан боғланган. XIX конференцияда шу хусусда тегишли резолюция қабул қилинди. Аммо бу ишнинг бошланиши, холос. Кўп миллатли давлатимиз турмушининг мана шу муҳим соҳасига тааллуқли муаммолар бутун комплексини жуда пухта ва чуқур ўрганиб чиқиш керак. Ленинча концепция асосида, республикалар партия ва давлат органларининг, олимлар, мутахассисларнинг, кенг жамоатчилик доираларининг фаол ижодий иштирокида СССРда миллатлараро муносабатларни янада ривожлантириш вазифаларини ҳал этишнинг самарали, ўйлаб тузилган программаси ишлаб чиқилади, деб умид қиламиз. Сиёсий бюро, СССР Олий Совети Президиуми, Совет ҳукумати мана шу барча масалаларни доимо диққат марказида тутмоқдалар.

Ўзларингизга маълумки, яқинда КПСС Марказий Комитетининг қарори қабул қилинди, қарорда Марказий Комитетнинг миллатлараро муносабатларга доир Пленумини тайёрлаш билан боғлиқ бир қанча чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган. Жумладан, Марказий Комитетнинг ушбу масалага оид тезисларини ишлаб чиқиб, барвақт — икки ой илгари эълон қилиш мўлжалланмоқда. Хуллас, ўртоқлар, қайта қуриш, сиёсий системани ислоҳ қилиш миллатлараро муносабатларга доир масалаларни яна ҳам чуқурроқ ва пухта кўриб чиқиш учун барча имкониятларни яратмоқда. Шу муносабат билан биз СССР халқ депутатларининг бўлажак съездига, янги тузиладиган Олий Советга, бу масала билан бевосита шуғулланадиган Миллатлар Советига катта умид боғлаймиз. Қайта қуриш миллатлараро муносабатларнинг ҳар қандай масалаларини кўриб чиқиш ва ҳал этиш учун демократик тартиботларни вужудга келтираётгани боисидан ҳам ҳозир бу муносабатларни сунъий равишда чигаллаштиришга йўл қўймаслик ниҳоятда муҳимдир. Аҳволни мушкуллаштириб, вазиятни кескинлаштиришигина мумкин бўлган хатти-ҳаракатларга ва шошма-шошларлик билан ўйламай-нетмай билдириладиган фикрларга йўл қўймаслик ниҳоятда муҳим. Кейинги вақтларда бизнинг шу хилдаги фактларга учрашимизга тўғри келаётганлиги сабабли ҳам бу ҳақда гапиряпман. Шундай кишилар борки, тўғрисини айтганимизда улар миллатчилик позицияларида туриб ҳаракат қилмоқдалар, миллатлар ўртасида низоларни келтириб чиқармоқдалар, энг муқаддас бўлмиш СССР халқлари дўстлигига путур етказишга уринмоқдалар.

Ҳа, ошкоралик, демократиялаш вазияти миллатлараро муносабатларда ҳам кўпгина муаммоларни юзага чиқарди. Бу муаммолар амалда мавжуддир. Бунинг устига уларнинг кўпчилиги эскириб кетган. Шу муносабат билан нималарни айтмоқчиман? Биз қайта қуриш, сиёсий ислоҳот, демократиялаш ва ошкоралик доирасида миллатлараро муносабатларни янада ривожлантириш масалаларини ҳал этишга доир таклифларни кенг муҳокама қилиб, ғоят эътибор билан ўрганишимиз, биргаликда ишлаб чиқишимиз лозим. Биз бу йўлга ўтиб олдик, шу йўлдан қатъиян боряпмиз ва бундан буён ҳам бораверамиз. Аммо шу нишларни қатъиян қоралаймиз.

Биз ҳаммамиз биргаликда мавжуд муаммоларни бизнинг интернационал идеологиямизга, социализм принципларига зид равишда ана шундай ҳал этишни тиқиштиришга ҳар қандай уринишларни рад этишимиз лозим. Биз вазиятни чигаллаштираётганимиз йўқ, ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлилар, барча иттифоқдош республикаларнинг меҳнаткашлари Советлар мамлакатини ривожлантириш, қардошларча иттифоқимизни мустаҳкамлаш йўлларини ўз келажаклари деб ҳисоблашларига ишончим комил (**Қарсаклар**).

Халқларимиз онгида ҳамиша барҳаёт бўлиб келган интернационализм ғоялари ҳозир қайта қуриш шароитида алоҳида мазмунга эга бўлмоқда. Чунки, биз ўз ҳаётимизни янгилаш, ошкоралик, демократиялаш йўлига ўтдик. Қайта қуриш — барча халқларимизнинг буюк мушторак ишидир. Унинг натижаларидан ҳар биримиз манфаатдормиз. Ҳозир демократия шароитида айтилган сўз ва қилинган хатти-ҳаракатлар учун юксак масъулият лозим, умумий манфаатларга, танлаб олган социалистик йўлимизга мос келадиган ечимларни излаш ва қидириб топиш лозим. Қайта қуриш шароитида миллатчилик тусидаги сиёсий экстремизмга, аниқса, тоқат қилиб бўлмаслигини ва у хавфли эканлигини, демократия жараёнини нормал ривожлантиришга тўсқинлик қилишини ва умумхалқ ишимизга путур етказишини яққол кўра олишимиз керак. (**Қарсаклар**).

Такрор айтаманки, қайта қуришни янада ривожлантириш давомида барча мужмалар, шу жумладан, миллий муаммолар ҳам ҳал қилиниши мумкин. Келинглар, ана шу муаммолар устида биргаликда аҳиллик билан иш олиб борайлик. (**Қарсаклар**).

Ўртоқлар! Қайта қуриш халқаро ишларга ёндашувимизни янгича белгилаш, уни ҳозирги дунёнинг реалликларига мувофиқлаштириш имконини берди. Қайта қуриш совет ташқи сиёсатига омил бахш этди, уни янги ғоялар билан бойитди. Бизнинг халқаро фаолиятимиз жўшқин тус олиб, сиёсий жиҳатдан дадилроқ, реалистик, бинобарин, янада натижадор бўлиб қолди. Муболаға қилмай шуни айтиш мумкинки, Совет Иттифоқининг рўй-рост ва амалий позицияси халқаро иқлимни ўзгартиришга кўмаклашди. Ўтган уч ярим йил давомида жаҳон майдонидаги силжишлар сезиларли бўлиб қолди ва улар яхшилик сари ўзгариш бўлишига умид қилиш учун имкон беради. Табиийки, янгича тафаккуримизнинг обрўси каби халқаро вазиятни соғломлаштириш йўлидан ҳаракат қилиш ҳам белгилаб бергани даражада бўлмаганда ҳам, кўп жиҳатдан қайта қуриш муваффақиятларига, яъни сиз билан бизнинг ишимизга боғлиқ. Шу билан бирга ташқи сиёсат инсоният олдида кўндаланг бўлган вазифаларни ҳал этишда бизнинг иштирокимизни таъминлаб, айни бир пайтда бизнинг ички вазифаларимизни — қайта қуриш вазифаларини ҳал қилишга бевосита хизмат қилмоқда.

Дунёда цивилизацияга хос нормал муносабатларга ўтиш бизга халқаро меҳнат тақсимотида, хўжалик ва бошқарув фаолияти тажрибаларини айирбошлашда тўлароқ иштирок этиш имконини янада авж олдириб, янгича сиёсий тафаккур руҳида амалий ҳаракат қилмоқчимиз. Ҳозирги дунёнинг долзарб муаммоларини самарали ҳал қилиш, халқаро муносабатларни соғломлаштириш йўлларини излаш масалаларини мен ва раҳбарият бошқа аъзоларининг сўнгги икки ой давомида социалистик ва капиталистик мамлакатлар давлат арбоблари билан олиб борган музокараларимиз ва суҳбатларимиз мавзуси бўлди.

Биз Красноярскда янги, олисни кўзловчи таклифларни олға сурдик. Яқинда Ҳиндистонга визит қилинади, шу визит чоғида халқаро ишларда жуда катта роль ўйнаётган ана шу буюк мамлакат раҳбарлари билан муҳим музокаралар бўлиб ўтади. Декабрь ойида Куба ва Буюк Британияга сафар қилиш режалаштирилган. Бунга қадар мен Нью-Йоркда, БМТ Бош ассамблеясининг сессиясида сўзга чиқиб, жаҳон тараққиётининг энг муҳим муаммолари хусусида ўз мулоҳазаларимизни баён қилиб бермоқчиман. Олдинда катта ишлар турибди. Шу боисдан биз халқаро муносабатларни соғломлаштириш ва дунёда хавфсизликни мустаҳкамлаш мақсадларини кўзлаб, социалистик мамлакатлар билан, барча халқлар ва ҳукуматлар билан актив ҳамкорлик қилиб, бундан буён ҳам ҳаракат қиламиз.

Пировардида яна бир мулоҳазани айтмоқчиман. Ҳозир кўпгина одамлар, мамлакатда қайта қуриш давомида қилинаётган ишлар қанчалик мустаҳкам, бу жараённинг тўхтаб қолиши ёки ҳатто орқага бурилиб кетиши хавфи йўқми, деб ўзларига савол бермоқдалар. Бу хусусда нималар дейиш мумкин? Қайта қуришнинг кимлардир томонидан тайёрлаб, нотариусда тасдиқлатиб берган гарантиялари йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Реал гарантияларни халқнинг ўзи, умумий меҳнатимиз ҳар куни ва ҳар соатда барпо этмоқда. Қайта қуриш ҳозир ўз тараққиётининг шундай босқичига қадам қўйдики, бу босқичда даврнинг айни амалий ишлар билан ўтиши барча планларимиз, программаларимиз ва бошлаган ишларимиз самарадорлигининг ҳал қилувчи омили бўлмоқда. Шу боисдан қайта қуриш учун умумхалқ ҳаракатига бошчилик қилиш, жамиятнинг сиёсий авангарди бўлиш — партия ташкилотларининг биринчи галдаги вазифасидир! Бу ишда ҳаммангизга муваффақият тилайман.

Пировардида мазкур учрашувни муваффақиятли, фойдали, самарали қилганликлари учун мезбонларга КПСС Марказий Комитети номидан, сизларнинг номингиздан Орёлдаги мана шу учрашув қатнашчиларининг номидан миннатдорчилик билдирмоқчиман. Бу учрашув мамлакатнинг барча регионларида давом этади, деб ўйлайман, чунки бу ерда халқ, мамлакат тўғрисида, қайта қуриш, озиқ-овқат программаси каби муҳим йўналишда янада муваффақиятлироқ ўтиши ва ўз натижаларини бериши тўғрисида жон куйдириб гаплашиб олинди.

Биз Орёл диёридан инсоний мулоқотлар, бу ерда яшаётган кишиларнинг меҳмондўстлиги ва саминийлигидан чуқур таассурот билан қайтмоқдамиз. Мамлакатимиздаги барча регионлар, республикалар ва марказ вакиллари номидан Орёл областининг барча меҳнаткашларига чуқур ҳис-туйғуларимиз ва зўр хайрихоҳлигимизни изҳор қилишга, улар ўзлари чиқиб олган ва ҳозир дадил қадам ташлаб бораётган йўлда уларга муваффақиятлар тилашга рухсат этгайсиз. (**Қарсаклар**).

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг

МАМЛАКАТ АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИДАГИ КОММУНИСТЛАРГА, ФЕРМАЛАРНИНГ МЕҲНАТЧИЛАРИГА, БАРЧА ХОДИМЛАРИГА

ХАТИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

КПСС Марказий Комитетида яқинда бўлиб ўтган учрашув қатнашчилари мамлакат агросаноат комплексининг барча ходимларини социал-иқтисодий шароитларининг ғоят хилма-хиллигини эътиборга олиб, ижарани турли формаларда қатъият билан дадилроқ ўзлаштиришга чақирдилар. Партия ташкилотлари, халқ депутатлари Советлари, хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассислар одамларнинг ташаббусига кенг имконият яратиб беришлари, уларнинг янгича хўжалик юритиш иштиёқига ҳар томонлама кўмаклашишлари лозим. Ҳамма жойда бир хил қоида амал қилиши керак: агар коллектив ёки оила колхоз, корхона билан ижара муносабатларини ўрнатишга қарор берган экан, уларнинг гўшт, сут ҳамда бошқа маҳсулот турлари ресурсларини тез кўпайтириш учун ер, чорва, техникани хўжалик мақсадида фойдаланишга олишларини тақиқлашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Чорва молларни, айниқса, чўчқа, паррандани парвариш қилиш ва боқиб семиртириш, сут етиштириш юзасидан колхозлар, совхозлар билан аҳоли ўртасида шартномавий муносабатларни кенг қўлланиш керак.

Фермалардаги муваффақиятлар сут соғувчиларнинг, чорва ва парранда боқувчи операторлар, чўпонларнинг, ўрта бўғин раҳбарлари, мутахассисларнинг, барча чорвачилик ходимларининг виждонан қиладиган меҳнатига ҳал қилувчи даражада боғлиқ, шу долзарб паллада юмушларнинг асосий оғирлиги уларнинг зиммасига тушади. Ўртоқлар, сизларнинг ҳар бирингиздан юксак масъулият, касб-кор маҳорати, ишга манфаатдорлик билан муносабатда бўлиш талаб этилади.

Яхши ташкил этилган мусобақа, ким ўзарлик руҳи чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва харид қилишни кўпайтиришга ёрдам беради. Хўжаликлар, фермалар ўртасида ўзаро текширишларни ўтказиш, чорвадорларнинг кунларини мунтазам уюштириш фойдали эканини тажриба яққол кўрсатиб турибди. Қолоқ фермаларнинг ишларини таҳлил қилиб, уларга зарур ёрдам бериш жуда муҳимдир.

Фермаларнинг пухта ва барқарор ишлаши билан боғлиқ бўлган халқ хўжалиги тармоқларининг ходимлари чорвачилик тўғрисида доимо амалда ғамхўрлик қилганлари тақдирдагина қишловни пухта, бекаму кўст ўтказиш таъминланиши мумкин. Фермаларни электр энергияси, ёқилғи, механизация воситалари, сифатли озуқа қўшимчалари ва дори-дармонлар билан таъминлашда узилишларга йўл қўйиб бўлмайди. Қишлоқ хўжалик машинасозлиги, озиқ-овқат, балиқчилик, химия, медицина саноати корхоналарининг, энергетика хизматларининг коллективлари қишлоқ буюртмаларини бажаришни биринчи навбатдаги вазифа, деб билишлари лозим. Бу масалаларни талабчанлик билан доимо диққат марказида тутиш — совет органларининг бурчидир.

Хом ашёни етказиб бериш, қабул қилиш ва чуқур қайта ишлаш, сифатли пировард маҳсулотни энг кўп миқдорда олиш, унинг нобуд бўлишига йўл қўймаслик, истеъмолчига ўз вақтида етказиб бериш юзасидан биргаликдаги аниқ ишларни ташкил этиш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилиш керак. Қишлоқ районларида, айниқса, катта шаҳарлар ва саноат марказлари яқинида колхозлар, совхозлар, қайта ишлаш корхоналари, савдо ташкилотлари негизида ягона ишлаб чиқариш-иқтисодий комплексларни дадилроқ ташкил этиш зарур, бундай комплекслар тўла хўжалик ҳисоби ва ихтиёрий кооперациялаш принциплари асосида маҳсулот етиштириш, тайёрлаш, қайта ишлаш ва реализация қилишни анча самаралироқ юритиш имконини беради.

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш маҳаллий ресурслардан тўлиқроқ фойдаланишга ҳал қилувчи даражада боғлиқдир. Ҳамма жойда тайёрга айёрлик кайфиятларига барҳам бериш, ҳар бир республика, ўлка, область аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан, уларни жойларнинг ўзида етиштириш ҳисобига мумкин қадар кўпроқ таъминлаш керак.

КПСС Марказий Комитети мана шу барча вазифаларни ҳал этиш қишлоқда, ҳар бир меҳнат коллективида ташкилотчилик ва сиёсий ишларнинг аниқ мақсадга қаратилишига бевосита боғлиқ эканини таъкидлайди.

Партия комитетлари, халқ депутатлари Советлари, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари меҳнат коллективларининг кенгашлари билан биргаликда фермаларда ишлаётганларнинг ҳаммаси ғамхўрлик ва эътиборни ҳис этиб туришларини таъминлашлари лозим. Улар учун ҳамма жойда яхши савдо, маиший, медицина хизмати, маданий хизматни, замонавий ишлаб чиқариш шароитини вужудга келтириш, иссиқ овқат, харидоргир моллар савдосини ташкил этиш керак.

Чорвачиликдаги партия, комсомол ташкилотлари ва группаларининг ташаббускорлиги, жанговарлигига кўп нарса боғлиқ. Ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи соҳаларини коммунистлар, комсомоллар билан, энг малакали ходимлар билан мустаҳкамлаш зарур. Раҳбарлар, мутахассисларнинг одамлар билан жонли мулоқоти, юзага келаётган масалаларни оператив равишда ҳал қилиш, яхши йўлга қўйилган ишлаб чиқариш-иқтисодий таълими иш манфаатларига кўмаклашади.

Чорвадорларнинг, қайта ишлаш саноати корхоналари ходимларининг мусобақасини матбуотда, телевидение ва радио орқали мунтазам ёритиб бориш, энг яхши хўжаликларнинг, оилавий ва ижара коллективларининг, ишлаб чиқариш илғорларининг тажрибасини оператив равишда кўрсатиш, камчиликларни принципиал очиб ташлаш зарур. Фермалар, хўжаликлар районларнинг иш натижаларини маҳаллий матбуотда, областлар, ўлкалар ва республикаларнинг иш натижаларини эса республика матбуоти ҳамда марказий матбуотда қиёслаш фойдалидир. Ҳалол, виждонан қилинган меҳнатнинг обрўсини оширишга, фермаларда ички иқтисодий ва ижтимоий муносабатларнинг ривожланишига, ўғирликларга, қўшиб ёзишларга, интизом ва тартибни бузишларга қарши муросасиз кураш олиб бориш учун жамоатчиликни сафарбар қилишга барча идеология воситалари билан кўмаклашилсин.

Хуллас, ҳурматли ўртоқлар, бу йилги қишлов пухта ўйланган, масъулиятли қарорларни, ғайрат билан ишлашни талаб этади. Мамлакат чорвачилиги бу мавсумдан заифлашиб эмас, аксинча анча бақувват бўлиб чиқиши керак, бу эса энг асосий мақсадга — озиқ-овқат маҳсулотлари талай даражада кўпайтирилишига ва шу асосда одамларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашга эришиш имконини беради. Бу ҳозир ички сиёсатимизнинг энг асосий масаласидир.

КПСС Марказий Комитети қатъий ишонч билдирадики, фермаларнинг коммунистлари, барча меҳнатчилари, колхозлар, совхозларнинг, қайта ишловчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналар ҳамда ташкилотларнинг коллективлари, партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари қишловнинг ўтказилиши учун юксак масъулиятни ҳис этиб, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришнинг анча ўсишини таъминлайдилар ва шу тариқа озиқ-овқат муаммосининг ҳал этилишини жадаллаштирадилар.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.

ЗАМИН СОҲИБИ БЎЛАЙЛИК

Орёл, 15 ноябрь. (ТАСС). Қадимий Орёл диёри ҳозир қишлоқни социал-иқтисодий қайта қуришда яхши ўрнак кўрсатмоқда. Бу ишлар XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг қарорларига мувофиқ амалга оширилмоқда. Мана шу жўшқин жараённинг амалий тажрибасини иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетлари биринчи секретарларининг бу ерда бўлиб ўтган кенгаши қатнашчилари ўз қўллари билан пайпаслаб кўрдилар, дейиш мумкин.

Деҳқон замин соҳиби туйғусига эга бўлиб қолганида қишлоқни социал ривожлантиришни жадаллаштириш гарантияланди деяверинг. Ана шундай туйғу заминнинг ҳозирги ва эртанги кунига тўла-тўкис мос келади. Кенгаш қатнашчиларининг Орёл областидаги бир қанча хўжаликлар меҳнатчилари билан учрашувлари бунга яққол ишонч ҳосил қилдирди. Орёл районидаги «Партия XXII съезди» колхози. Чорвачилик комплексига кираверишда меҳмонларни — кенгаш қатнашчиларини нон-туз билан кутиб олишади. Бино тепасида: «Чорвадорлар! 2000 йилгача 5000 килограммдан сут соғиб олиш бизнинг маррамиздир» сўзлари ёзилган транспарант кўзга ташланади. Бу ҳаддан ташқари эмасмикан? Йўқ, бу ердаги одамлар — реалистлардир, — дейди колхоз раиси М. В. Спиридонов. Улар кейинги икки йил ичида эришган ютуқлар янада юксакроқ марраларни эгаллашга имкон беради.

— Ҳа, — дейди бу фикрга қўшилиб М. С. Горбачев, — бизнинг одамларимиз ғамхўрликни, эътибор берилаётганини ҳис этган тақдирда кўп нарсаларга қодирдирлар. Биз Орёл областида ишлар нима учун ўзгариб бораётганини кўриш мақсадида сизларнинг ҳузурингизга келдик, — дейди у.

П. П. Монсеева, сут соғувчи. Бизга, одамларга муносабат ўзгарди.

Л. И. Ненько, РАПО бош экономисти. Инсонга эътибор бера бошлашди.

М. С. Горбачев. Сизнинг фикрингизга қўшиламан. Чунки илгари бизда ғалағовурлар — километрлар, тонналар, қурилишлар, ГЭСлар кўп бўлган. Аммо нимадир барибир етишмас эди. Бунга инсоннинг ҳеч бир даҳли йўқдек эди. Ҳеч ким унинг фикри билан унча қизиқмасди ҳам.

Сут соғувчи звено бошлиғи Н. И. Парамонова иши ҳақида сўзлаб келтусидаги режаларини айтади. Январь ойидан бошлаб юз бош сигирни ижарага олдик, правление билан 90-йилгача шартнома туздик. Кўрсаткичлар яхши, соғиб олинаётган сут муттасил ортиб бормоқда.

М. С. Горбачев. Демак, ижара ишни ўзгартириб юборди, иш яхшиланди, шундай эмасми?

Н. И. Парамонова. Чунки, ўзимиз хўжайин бўлиб қолдик. Ўзимизни эркин ҳис этяпмиз, иш учун тобора кўпроқ жавоб беряпмиз.

Звено бошлиғи умумий сўзлар билангина чекланиб қолмайди. Саволларнинг ҳаммасига муфассал, ишнинг кўзини билиб жавоб қайтаради. Пенсияга чиқишимга яна уч йил бор, дейди у. Шу вақт ичида мен сут соғиб олишни олти минг килограммгача етказишим керак. Ижарадан воз кечмаймиз.

Комплекснинг ёш ишчилари Т. А. Кудинова, Л. Н. Маричкина, Л. И. Игина, Т. К. Зайчиковаларнинг сўзларини тинглаганингда, мазкур хўжалик меҳнатчилари учун ижара шунчаки бир урф бўлиб қолган сўз эмаслигига ишонч ҳосил қиласан киши. Улар меҳмонларнинг астойдил ва асосли қизиқишларига худди шундай манфаатдорлик билан асосли жавоб қайтарадилар. Суҳбатдош аёллар ҳар қандай рақамларни бемалол келтириб, ижара шартномасига, ўз ҳуқуқлари ва бурчларига, нарх-наво, иш ҳақига таллуқли масалаларни яхши билишар экан... — Раҳбар сифатида мен учун ҳатто биз икки йил мобайнида эришган иқтисодий силжиш ҳам унча муҳим эмас, — деб таъкидлади суҳбат чоғида М. В. Спиридонов. — Мен учун одамларнинг ишга муносабатидаги силжиш анча қимматлироқдир. Ахир буни ҳеч қандай сўмлар билан ўлчаб бўлмайдику.

Раис хўжалик ишидаги ижобий ўзгаришлар тўғрисида гапириб, шунчаки рақамларни тилга олмайди. Унинг гаплари — ўз ишлари тўғрисидаги ҳисобот эмас, балки меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги формаларини жорий этиш ёрдамида дуруст натижаларга эришган коллектив нима учун шу билан чекланиб қолмай, яна ҳам олга — ижара сари борди экан, деган саволга аниқ-равшан жавоб қайтаришга ҳаракат қилиш эди.

Тўғри айтилди: буйруқбозлик усули билан иш кўриш ярамайди, деб давом қилди у. Биз бу қоидани бекамукўст бажариб келдик ва айни вақтда: зўрлик билан жорий этиш мумкин эмас, аммо пассив ҳолда кузатиб туриш ҳам мумкин эмас, деб ўйладик. Фаол позицияни эгалладик: одамлар ҳузурига бордик, суҳбатлашиб, шубҳагумонларни йўқ қила бошладик. Бирга ўтириб, ишонтирдик, суҳбатлашдик. Мутахассислар ёнимизда эди. Кейин эса одамларга ўйлаб кўриш учун вақт бердик. Хуллас, барча шубҳаларни йўқ қилмагунча шартномани имзоламадик.

Ҳозир қишлоқда пулдорлик билан ҳеч кимни ажаблантира олмайсан. Бизда шундайлар ҳам борки, агар қўйиб берсанг, вертолётни ҳам сотиб олади. Шу боисдан биз бошқа йўлдан бордик. Қишлоқда қайси деҳқон ҳамиша энг ҳурматли киши бўлиб келган эди? Меҳнат қилган киши ҳамиша иззат-ҳурматда бўлган. Биз биринчи навбатда ана шундай кишиларга умид боғладик. Бундай кишини қўшнилари, қариндош-уруғлари ҳурмат қилиши, фарзандлари у билан фахрланиши керак. Бу ерда деҳқончиликдаги ижара звеноларининг икки намояндаси ўтиришибди. Илгари қандай бўларди: йил тугадими, бизга механизатор учун кўпи билан уч центнер дон берилга ижозат этишарди. Ахир унинг иши қандайлигини биласизлар-ку. Шундай ишга бунча дон арзимайди. Кейинги икки йил мобайнида шартномадан ортиқча етиштирилган доннинг ҳаммаси аслида сизларникидир. Механизаторлар тўрт-беш тоннадан сара донни гурур билан олиб бораётганларини кўрсангиз эди. Одамлар шундан сўнг уйқудан уйғонгандай бўлишди. Улар учун бугунги ғалла пул эмас, балки ундан ҳам қимматлироқ нарсадир. Истасангиз бу ор-номусдир. Эндиликда бошлиқ билан бўйсунувчилар сифатида эмас, балки шериклар сифатида ишлаяпмиз.

... Дабдабали қуруқ гапсўзлар ва ваъдалардан ҳоли бўлган амалий, конкрет фикрлашув бормоқда. М. С. Горбачев кўпгинча нотиқдан бирон бир фикрни изоҳлаб беришни сўрайди, социал соҳадаги ишларнинг аҳволи билан қизиқади, режаларни сўраб суриштиради, маслаҳат беради... ижарачилар — звено бошлиғи М. П. Беликов, картошкакорлар ижара коллективнинг раҳбари Е. А. Кукушкин мунозарага қўшилдилар. М. П. Беликовнинг сўзларидан иқтисодий эркинликка эришган инсоннинг ўзини бемалол ҳис этишигина эмас, шу билан бирга ижарага олинган гектарлар учун ҳам, жонажон ер учун ҳам жон куйдириш, масъулият ҳисси сезилиб турибди.

— Ғилдирак айланса бас эди, — дейди у. — Одамлар шундай ишлашардики, улар учун вақт ўтса бас эди, гектарлаб ерларга ишлов беришарди-ю аммо даланинг сифатига, унга қандай ишлов берилганига қарашмасди. Мақсад битта — кўпроқ пул ишлаш эди. Ижарага ўтдигу ишлар бутунлай ўзгарди. Замин соҳиблари бўлиб қолдик. Ер ҳам ўша-ўша, одамлар ҳам ўша-ўша. Илгари комбайнда йиғиштириб олинганида фақат мойчечак бўларди-ю, дон эса кўринмасди. Далага рисоладагидек ишлов бериб, ерга минерал ва органик ўғит қўшганимиздан кейин у бизни мамнун этди. Гектар бошига 73 центнер дон берди. Қарилар бундай ҳосилни эслашолмайди. Иш ҳам бутунлай бошқача бўлиб қолди. Энг муҳими эса, одамлар ишлай бошладилар ва нима учун ишлаётганликларини биладилар. Ижарани жорий этиш керак.

М. С. Горбачев: Дарҳақиқат, инсон ижара туфайли меҳнатда сакраш қилмоқда.

Урицкий райони. Бу — агрономия курсларининг тингловчилари ҳам, қишлоқ экономикаси мутахассислари ҳам, айрим ижарачи вакиллар ҳам «Орёл пудрати сирлари»ни билиш учун келиб турадиган яна бир жойдир. Бу ерда, «Партия XX съезди» колхозида чорвадорлардан Муцановларнинг оилавий звеноси меҳнат қилади. Бу звено Орел областида энг арзон чўчқа гўшти етиштирмоқда — семиртириб олинаётган ҳар бир центнер гўшт 100 сўмга тушмоқда!

Тўппа-тўғри кўчада, унча катта бўлмаган тахтасупада, ферма биносининг дарвозасидан ўн метр нарида микрофон қўйилган. Мезбонлар пудрат коллективлари ишининг дастлабки натижаларини сўзлаб беришмоқда. Меҳмонлар савол беришмоқда, меҳнатни ташкил этиш тафсилотлари билан қизиқишмоқда. Давлат аҳамиятига молик бундай муҳим ишда тажрибанинг ҳар бир мисқоли олтин билан баробар. Колхоз раиси А. А. Жидков ўз фикрлари билан ўртоқлашади. Эндиликда иккиучта оилавий ферманинг муваффақияти хусусида жар солмай, балки ҳар бир раҳбар, ҳар бир коммунист кунига, ҳар соатда: совет деҳқонларида замин соҳиби туйғусини қайта тиклаётган шу кишиларга бугун мен қандай ёрдам бердим, деб ўзига савол бериши керак, дейди у. М. С. Горбачев ва кенгаш қатнашчиларининг мазкур колхоздаги суҳбати айни шу тарзда ўтди. Ҳозир ижара пудратини кейг жорий этишда энг ноизк жой қаерда? Фермани, экинзорни, озуқа цехини, колхоз нон заводини ва ҳоказоларни ўз мулки қилиб олаётган деҳқонга биринчи навбатда қандай кафолатлар берилиши керак?

Н. В. Муцанов хотини Валентина Максимовна билан бирга шу йилнинг январида қабул қилиб олган чўчқачилик фермаси фақат Урицкий районидагина эмас, балки областда ҳам энг қолоқ ферма эди. Бу ферма ўтган йили атиги 22 тонна гўшт топширган бўлса, шу йилнинг ўн ойи ичида, ҳозирдаёқ 73 тонна гўшт топширди? Ҳар бир ишловчи ҳисобига 50 минг сўмлик маҳсулот етиштирилди. Орёл диёрида ҳали бундай натижаларга эришилмаган эди.

— Хўш, гап нимада ўзи? — деб сўрайди М. С. Горбачев. — Ахир сиз илгари ҳам хотинингиз билан шу фермада ишлардингиз-ку.

Орёллик оддий деҳқон қулай сўзлар ва важ-карсонларни ишламайди. Гап айни шундаки, Михаил Сергеевич, биз бунгача ўзимизни ҳақиқий деҳқон бек ҳис этмаган эдик, деб жавоб қайтарди у.

М. С. Горбачев. Шундай бўлса ҳам нима учун илгари чўчқачалар ўсмас эди? Озуқани талон-торож қилишармиди?

Н. В. Муцанов. Агар ростини айтадиган бўлсам, озуқа жойига етиб келмасди ҳам.

М. С. Горбачев. Ҳа, бир ижарачининг газетада босилган мақоласидаги гапларни эслайман. Ижара нима учун ҳаммага ҳам, шу жумладан мутахассисларга маъқул бўлмаётганлигини тушунаман, албатта, деб ёзади у. Чунки ижарачи қишлоқда тартиб ўрнатади. Уларга ҳеч ким буйруқ бера олмайди, унинг чўнтагига ҳам, колхоз кассасига ҳам ҳеч ким қўл сола олмайди. Чунки емхашак — бевосита таннархга таъсир қилади. Бинобарин, ижарачи фақат ўзида эмас, умуман хўжаликда ҳам тартиб ўрнатади. Бу эса ҳаммага ёқавермайди. Шу сабабли илғор, ҳалол одамлар учун, мамлакат учун жон куйдирадиган яхши раҳбар бор жойда ижара ҳам ривожланмоқда.

Кузда ота-онаси билан биргаликда ўғли Александр ҳам фермада ишлай бошлади. У колхозда механизатор бўлиб ишларди.

Хўш, Саша, ҳозир олдинги ишингни ҳозирги ишинг билан қиёслай оласанми? — деб сўрайди Михаил Сергеевич.

— Эркинликни ҳис этдим, — деб жавоб қилди кичик Муцанов. — Иш олдингидан кўпроқ, албатта, аммо илгари меҳнатдан ҳеч қачон бундай мамнунликни ҳис этмаган эдик.

Н. В. Муцанов. Саша учун ҳамма нарса олдиндалиги равшан. Унинг учун хурсандман: қишлоқ хўжалигини механизациялаш техникумини битиряпти. Умуман, Михаил Сергеевич, сизга очиғини айтаман: мамлакатимизнинг сиз бошлиқ раҳбарияти мана шу ижара системасини жуда яхши ўйлаб чиқди. Одамлар ҳушёр тортишди, ернинг хўжайини бўлишлари мумкинлигини тушуниб қолишди. М. С. Горбачев колхоз меҳнатчилари билан, Муцановлар оиласи билан хайрлашаётиб, бундай деди:

— Орёллик ўртоқлар, мен бугун бутун қалбим билан сизлар томондаман. Сизларнинг хотиржам, дадил, асосли планларингиз, конкрет ишларингиз томонидаман. Николай Васильевич, ўғлингиз тўғрисида Саша учун ҳамма нарса олдинда, у биз каби қийин ҳаёт кечирмайди, деб тўғри айтдингиз. Аммо шу ҳаётнинг бир бўлаги, унинг бошланиши сиз билан бизга ҳам насиб этди. Шу сабабли Марказий Комитетларнинг, область комитетларининг учрашувда қатнашаётган секретарларидан қишлоқда ана шундай янги ҳаёт бошланиши муносабати билан халқнинг кайфияти қандай? деб сўрамоқчи эдим.

Овоз: Халқ бу ишга бажонидил киришмоқда. Фақат раҳбарлар унча шошилишмаяпти.

М. С. Горбачев. Раҳбарларга нимаси ёқмайди? Хўжаликда маҳсулот кўпроқ етиштирилади, уларга яна нима керак? Ёки улар ҳосил қандай бўлишидан қатъи назар ижарасиз ҳам яхши яшашяптими? Ўртоқлар, ҳозир бизга қишлоқда хўжаликларнинг ижарачилар билан муносабатини бўйсунувчилар дей эмас, балки шерикларнинг ўзаро муносабати сифатида йўлга қўйдиган раҳбарлар керак.

Н. В. Муцанов. Тўғри, Михаил Сергеевич. Энди қишлоқда тенглик асосида иш олиб борилмоқда. Городишче қадимий қишлоқ — Урицкий районидаги «За коммунизм» колхозининг марказий қўрғонидир. Яқиндагина одамлар бу ўлкадан кетиб қолаётган эдилар. Йиллар давомида бу ердаги сағиз тупроқда ҳеч нарса унмайди, деган ўзига хос психология пайдо бўлди. Гектаридан 9-10 центнер дон олишса, буни муваффақият деб ҳисоблашарди. Ем-ҳашак экинзорлари ҳам қувонч келтирмас эди. Бундан уч йил муқаддам Украина ва Бошқирдистондан сомон сотиб олишарди. Ҳар сигирдан 2300 килограмм сут соғиб олинарди. А. Т. Семенов бу ерга колхоз раиси бўлиб келди. У ўзининг бутун ҳаётини қишлоққа бағишлаган. Унинг меҳнати Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланган. Кўп марта қолоқ хўжаликларни тиклашига тўғри келган.

Бугун ҳам Алексей Тихонович бутун мамлакатдан келган меҳмонларни муносиб кутиб олмоқда.

— Колхозда ҳар бир меҳнатчи ҳисобига 130 гектар экинзор тўғри келади. Гектаридан 20-25 центнер дон оляпмиз. Йил охирига бориб, ҳар сигирдан олинган сут 3700 килограммни ташкил этади. Бу муваффақият ижара туфайлидир. Бизда бутун колхоз, унинг ҳамма бўлинмалари ижара усулида ишламоқда. Ижара бизни одамлар қаторига олиб чиқяпти.

М. С. Горбачев. Сизларда чинакам ижарами?

А. Т. Семенов. Ҳақиқий ижара, Михаил Сергеевич. Бизда ҳаммаси бўлиб 17 та ижарачи коллектив бор: ет-титаси деҳқончиликда, ўнтаси чорвачиликда. Ҳозир Городишче товар-сут фермасида турибмиз. Бу ерда бешта коллектив олди-сотди принципида ишламоқда. — Биз ўз пулимизни, харажатларимизни, фойдамизни ҳисоблайдиган бўлиб қолдик, — деди пудратчи звено бошлиғи А. Е. Кайданник. — Мен бу ерда саккиз йилдан буён ишлаяпман, эрим ҳам ёнма-ён меҳнат қилади. Бизда ҳеч қачон ишга бундай муносабат бўлмаган эди. Ҳамма нарсани тежайсан, ҳамма нарса ҳақида жон куйдирасан. Илгари эса подани янгилаш тўғрисида кам ўйлашарди. Бизда ем-хашак кўп.

М. С. Горбачев. Нима бўлаётганини тушуняпсизми: ижара, селекция, озуқа базаси — бир бўғинни олиб ташласангиз, иш юришмай қолади.

А. Е. Кайданник. Албатта юришмайди.

М. С. Горбачев. Агар ем-хашак бўлмаса, ижаранинг ҳам фойдаси тегмайди, албатта селекция ҳам бўлиши керак. У маҳсулотни кўпайтиради. Нима, сизларда моллларнинг гольштин зоти кўпайтириляптими?

Сут соғувчилар. Ҳа, гольштинлаштиряпмиз.

— Михаил Сергеевич, Анна Егоровна биз фермадаги хўжайинларимиз, деди. Лекин у унчалик ҳақ эмас. Биз ерни ҳам ўз тасарруфимизга олдик, деб суҳбатга аралашди В. В. Степанов. — Мен раҳбарлик қилаётган ем-хашак етиштириш коллективи мустақил тармоқ қилиб қўйилган. Биз минг гектар ҳайдаладиган ерни ва шунча табиий ўтлоқларни ижарага олдик — бу бизнинг ерларимиз. Ҳозирча техникани сотиб олганимиз йўқ. Пулимиз камлиқ қиляпти, бунинг устига қиммат. Пулимиз кўпайса — албатта сотиб оламиз.

А. Т. Семенов. — Бизда ижара абадул-абадга қарор топди.

М. С. Горбачев. Бутун хўжаликнинг ижара усулига ўтиши тўғри бўлса керак. Хўш, қандай яшаяпсизлар?

Овозлар. Яхши. Квартираларимиз шинам ва қулай. Колхозимиз икки йил ичида илғор хўжаликка айланди. Чорвадорлар уйи, маиший хизмат уйи, болалар боғчаси, ўрта мактаб қурдик.

А. Т. Семенов. Одамлар ҳам қишлоққа қайтиб кела бошладилар. Ҳозирдаёқ 27 оила қайтиб келди. Доимий яшаш учун бошқа регионлардан ҳам келишмоқда. Мана бу фермани биз интернационал ферма деб атаймиз: бу ерда руслар, грузинлар, украинлар, арманлар ишлашяпти.

Овоз. Бизда маҳсулот етарли, лекин магазинимиздан тикув машинаси ёки кир ювиш машинаси, рангли телевизор сотиб ололмайсиз. Кийим-кечак, айниқса болалар кийимлари таъминоти ҳам ёмон. Товарлар камроқ.

М. С. Горбачев. Озиқ-овқат, товарлар, уй-жой — ҳозир ҳал қилиш лозим бўлган энг муҳим масалалардир. Сизларда иккита муаммо — озиқ-овқат ва уй-жой ҳал этилибди. Саноат моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш билан эса ҳозир асосли равишда шуғулланяпмиз.

Орёлдаги сут комбинати — областдаги энг замонавий қайта ишлаш корхоналаридан биридир. Комбинат 1983 йилда ишга тушиб, лойиҳадаги қувватини тез ўзлаштирибгина қолмай, ундан анча ўзиб ҳам кетди. Ҳозир бир кеча-кундузда қайта ишланаётган сут ҳажми 600 тоннадан ошмоқда.

Кенгаш қатнашчилари сариёғ, қуюқ творог, регенерацияланган сут, «Белакт» омухта қуруқ маҳсулот ишлаб чиқарадиган янги автомат линияларнинг комбинатда жорий этилиши тажрибаси билан қизиқдилар. Орёлдаги ва областдаги заводлар ҳамда ишлаб чиқариш бирлашмалари техника билан қайта қуроллантиришда бевосита иштирок этмоқдалар. Корхона 35 турдаги маҳсулот ишлаб чиқаради. Бу эса шаҳарликларнинг сутдан тайёрланган барча турдаги маҳсулотларга — шу жумладан сариёғ ва пишлоққа бўлган талабини тўлиқ қондириш имконини берди.

Орёл областининг партия ва совет органлари қайта ишлаш корхоналарини реконструкциялаш ва техника билан қайта қуроллантириш ишларига ниҳоятда зўр эътибор бермоқдалар. Юқоридан буйруқ ва ёрдам кутмай, шаҳар саноат корхоналарининг кучи билан масалан, Орёл гўшт-парранда комбинати модернизациялаштирилди, эски сут заводи реконструкция қилинди. Яқин вақт ичида ҳашар йўли билан Мценск, Ливни, Змиевка ва Верховье гўшт комбинатларининг қувватларини ошириш мўлжалланмоқда. Бу маҳаллий саноат, қурилиш ва лойиҳа ташкилотларининггина кучи билан, маҳаллий бюджетдан маблағ қидириб топиш эвазига бажарилади.

Семинар-кенгашнинг иккинчи куни Мценск районининг Свердлов номли колхозига сафар билан бошланди. Кенгаш қатнашчилари «СТО программаси» асосида паст рентабелли хўжаликларни социал-иқтисодий ривожлантириш тажрибасини ўрганишга катта эътибор қаратдилар. Бу программанинг маъноси шундан иборатки, ўн иккинчи беш йилликнинг ўзидаёқ областдаги 106 та қолоқ колхоз ва совхозда нормал социал ва ишлаб чиқариш шароитини яратишдир.

Яқин-яқингача Свердлов номли колхоз ана шундай хўжаликлардан бири эди. М. С. Горбачев раис И. А. Ушаковдан бажарилган ишлар тўғрисида батафсил сўзлаб беришни илтимос қилди.

И. А. Ушаков. Икки йилдан сал кўпроқ вақт мобайнида қўрғон типидаги 48 та уй, барча қулайликлари бўлган 18 квартирали учта уй, мактаб, болалар боғчаси, савдо маркази, маиший хизмат комбинати қуриб битказилди. Биз кутган натижалар содир бўлди — қишлоқ жонланиб кетди. 20 оила ўз жонажон ўлкасига қайтиб келди, мамлакатимизнинг бошқа регионларидан ҳам одамлар келишди.

Ҳозир колхознинг Черемошни деган марказий қўрғони чинакамига ёшариб кетди. 60 бола мактабга қатнамоқда, яна 80 кичкинтой болалар боғчасига боряпти.

Бундан атиги уч йил аввал бу ерда 13 нафар кичкинтой қолган эди, деб таъкидлайди раис.

Колхознинг иқтисодий турмуши тубдан ўзгарди. У 15 йил ичида биринчи маротаба барча планларни бажариб, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра 600 минг сўм даромад кўрди.

«Орёлагропромстрой» кооператив-давлат бирлашмасининг бош инженери Б. Г. Рожков Черемошни мисолида меҳмонларга Орёл қишлоқларини қуришнинг асосий принциплари ҳақида гапириб берди. У ёки бу аҳоли пунктида энг аввало 2-3 қаватли жамоатчилик бинолари барпо этилади, улар теварагида эса уч қаватли уйлар, шунингдек қўрғонлардан иборат турар-жой зонаси барпо этилади.

Қурилиш ҳажми у ёки бу хўжаликнинг талаб-эҳтиёжларига ва мавжуд имкониятларга боғлиқ. Масалан, Хатинец районидаги Бадаев номли колхоз посёлкаси лойиҳасида одамларга тўлақонли турмуш учун зарур бўлган барча нарсалар: ажойиб уй-жойлар, мактаблар, сузиш бассейни бўлган спорт комплекси, парк зонаси қуриш кўзда тутилган.

Новосиль районида ҳозир Вяжи ва Воротинцево қўлай посёлкалари, Залегошенда — Алешня, Хатинецда — Хотимль — Кузьменково, Урицкийда — Муратово ҳамда Юшино посёлкалари қуриб битказилди.

Областда ҳашар йўли билан қуриш усули кенг қулоч ёйди.

Асосан монолит уйлар қурилмоқда. Бу қурилишни арзонлаштириб, уни поток усулида бажариш, сермеҳнат жараёнларни камайтириш имконини беради. Бу эса қишлоқ шароитида муҳим аҳамиятга эга.

Мактаблар, мактабгача тарбия болалар муассасалари, маданият муассасалари, соғлиқни сақлаш, савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат объектлари қурилиши кенгаймоқда.

Шуниси диққатга сазоворки, қурилишни арзонлаштириш, унга материал сарфини камайтириш, шунингдек мижозларга кўпроқ қулайликлар яратиш мақсадида савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат корхоналари туташтирилган биноларга жойлаштирилмоқда.

М. С. Горбачев ва учрашувнинг бошқа қатнашчилари бу ишларнинг ҳаммаси қайси маблағлар эвазига бажарилаётгани билан қизиқдилар.

КПСС Орёл область комитетининг биринчи секретари Е. С. Строев тушунтириш берди:

Областимизга маблағ бошқа областлар сингари Ноқоратупроқ зонани ўзгартириш программасига биноан ажратилмоқда. Лекин бунда биз битта зарур шартга риоя қиламиз: маблағларни «ҳаммага баб-баравар» принципи асосида тарқатмай, маълум мақсадларда паст рентабелли ва зарар кўриб ишловчи хўжаликларни ривожлантириш ва уларни социал жиҳатдан қайта тиклаш учун сарфлаймиз.

Областнинг пудратчи қурилиш ташкилотлари катта роль ўйнамоқдалар. Одатда улар бир қурилиш майдонида материал, меҳнат ва молиявий ресурсларни жамлайдилар. Бу эса объектни муддатидан барвақт ва сифатли ишга туширишга имконини беради. Бунинг натижасида сарфланган маблағдан тезроқ самара кўрадилар.

Жилино посёлкаси. Бу ерда Мценск районидаги «Подберезовский» совхозининг марказий қўрғони жойлашган. Бугун уни ҳатто бу ерда яқиндагина бўлган кишилар ҳам танимасалар керак. Семинар қатнашчилари хўжаликни қайтадан тиклаш тажрибаси билан муфассал танишдилар. «Орёлгипрогорсельстрой» институтининг директори А. И. Кураков посёлка Орёл областидаги қолоқ хўжаликларни ривожлантириш программаси жадал бажарилганлиги туфайли бунёдга келганини тушунтириб берди.

Ижарачи Галина Владимировна Филатова ҳаммининг дидига мос қилиб қурилган уйларга оиласи билан кўчиб кирган кишилардан биридир. Бу ерда алоҳида-алоҳида коттежлар ҳам, кўп квартирали биноларр ҳам бор. Муҳими, буларнинг ҳаммаси социал-маданий-маиший объектлар билан комплекс тарзда қурилган.

— Бу ерга мен Уфадан келдим. У ердаги заводда йигирма йил токарь бўлиб ишлаганман. Асли қишлоқданман. Лекин саккиз синфни тугатиб, кўпгина тенгдошларим сингари шаҳарга жўнаб кетдим. Замон шундай эди, — дейди Г. В. Филатова. — Ҳозир эса партия қишлоқда тўғри сиёсат юритаётганини кўриб турибмиз, демак деҳқон ҳам замин қучоғига қайтиб келади. Мақтанмасдан шуни айтмоқчиман: бизга бундай қишлоқда яшаш ёқади, хўжалик ҳам кишилар манфаатдорлиги билан тиклана бошлади. Ҳамма жойда ана шундай бўлиши керак.

Туб аҳоли ҳам М. С. Горбачевга шу ҳақда гапириб, унга посёлкани бажонидил кўрсатди.

— Сиз ҳам кўп квартирали, ҳам қўрғон типидаги уйларни қуряпсизми? — деб қизиқиб сўради Михаил Сергеевич «Подберезовский» совхозининг директори А. Д. Гапеевдан.

А. Д. Гапеев. Ҳа, ҳар хили керак. Масалан, кўп қаватли уйларга ёшлар, зиёлилар интилишади.

М. С. Горбачев. Барибир ўша ергами?

А. Д. Гапеев. (Болахонали коттежни кўрсатиб). Ҳа, кейин, болалари кўпайиб, томорқа керак бўлганида бу ерга келишади **(Кулги)**.

М. С. Горбачев. Ҳозир аҳолингиз қанча бўлди?

А. Д. Гапеев. Илгари 120 киши эди, ҳозир эса 458 киши.

М. С. Горбачев. Иқтисодий натижалар қандай?

А. Д. Гапеев. 1984 йилда 400 минг сўм зарар кўрган эдик, бу йил эса 1 миллион 344 минг сўм фойда оламиз.

М. С. Горбачев совхоздан кета туриб, учрашув қатнашчилари билан бирга эсдалик учун суратга тушишни таклиф этади.

Михаил Сергеевич Тургенев бўлган жойларга сафар қилди. И. С. Тургенев адабиёт музейининг миллионлаб қишиларга машҳур бўлган Орёлдаги филиали бу йил, ёзувчи туғилган кунининг 170 йиллигида «Спасское — Лутовиново» давлат мемориал ва табиат музей-қўриқхонасига айлантирилди.

М. С. Горбачев ёзувчининг уйини кўздан кечирди, боғида сайр қилди. Тургеневнинг машҳур қарағайи олдида бироз тўхтади. Мени доимо шу ер ўзига мафтун этарди, деди у. Иван Сергеевич Тургенев — бизнинг фахримиз, Ватан адабиётининг ифтихори, бутун халқимизнинг фахридир.

Шу куни фахрий меҳмонлар китобига қуйидаги сўзлар ёзиб қолдирилди: «Ҳар бир рус кишиси учун муқаддас бўлган бу жойларда бўлганимдан ва дунёга буюк ўғлон — И. С. Тургеневни ҳадя этган заминга таъзим қилганимдан бахтиёрман.

М. С. Горбачев, 15 ноябрь 1988 йил».

М. С. Горбачев буюк ёзувчининг юртдошлари билан хайрлашар экан, яна бир бор уйга, боғга назар ташлаб, қалпоғини ечиб, рус диёри қуйчиси хотираси учун таъзим қилди.

15 ноябрда куннинг иккинчи ярмида кенгаш қатнашчилари якунловчи ялпи мажлисга тўпландилар. Мажлисда **М. С. Горбачев, В. И. Воротников, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, В. П. Никонов, А. В. Власов, Г. П. Разумовский, Ю. Ф. Соловьев** ўртоқлар қатнашдилар.

Мажлисни КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси **М. С. Горбачев** очди. У бундай деди:

Ишимизни бошлашдан ва Орёлдаги бу учрашувни ниҳоясига етказишдан аввал мен барчангизни, ўртоқлар, катта воқеа билан, мамлакатимиз, олимларимиз, зиёлиларимиз, ишчилар синфи эришган катта илмий ва техникавий ютуқ билан табриклашни истардим, мен «Энергия» универсал ракета-космик системаси билан «Бўрон» кемаси муваффақиятли синовдан ўтганини назарда тутмоқдаман. Бугун эрталаб бу «қушча» Ер атрофида икки маротаба айланганидан сўнг автомат режимда Ерга муваффақиятли қўнди. **(Қарсаклар)**.

Кўп марта фойдаланиладиган бундай система дунёда ягонадир. Бундай ғоят мураккаб илмий-техникавий вазифани бажариш учун кўп йиллар машаққатли меҳнат қилишга тўғри келди. Бу иш муваффақият билан ниҳоясига етказилгани — бизнинг мамлакатимиз ҳар қандай вазифаларни ҳал этишда нақадар катта имкониятларга эга эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

У ҳар қандай вазифани бажаришга қодир. Менимча, бу нарса бизнинг шу ердаги суҳбатимизга ҳам бевосита дахлдордир. Чунки мураккаб озиқ-овқат муаммоси ҳам мамлакатнинг бутун потенциалини ишга солишни талаб қилади. Бу муаммони ҳам ҳал қилса бўлади, ана шу икки кун мобайнидаги кузатувлар буни тасдиқламоқда.

Сўнгра мажлисда КПСС Липецк область комитетининг биринчи секретари **Ю. А. Манаенков**, Белоруссия Компартияси Минск область комитетининг биринчи секретари **А. А. Малофеев**, Украина Компартияси Львов область комитетининг биринчи секретари **Я. П. Погребняк**, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Р. Н. Нишонов**, КПСС Калуга область комитетининг биринчи секретари **Г. И. Уланов**, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Д. И. Патиашвили**, КПСС Тюмень область комитетининг биринчи секретари **Г. П. Богомяков**, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Г. В. Колбин**, КПСС Москва область комитетининг биринчи секретари **В. К. Месяц**, КПСС Волгоград область комитетининг биринчи секретари **В. И. Калашников** сўзга чиқдилар.

Улар қишлоқни социал ривожлантиришни чуқурлаштириш, озиқ-овқат муаммосини ҳал этиш учун қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлашга оид конкрет тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Аграр секторда ишлаб чиқариш муносабатларини қайта қуриш, деб таъкидлашди сўзга чиққан кишилар, бу ишнинг асосий бўғинидир.

Социалистик мулкчилик заминида ётган имкониятларни тўлароқ очишга қаратилган колхоз ва совхозлар потенциалини ўстириш тўғрисидаги таклифлар киритилди. Ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг халқ томонидан кенг қўллаб-қувватланаётган пудрат ва ижара формалари дала ҳамда ферма меҳнатчиларида бизнинг асосий миллий бойлигимиз — Ерга чинакамига хўжайинларга муносабатда бўлиш туйғуларини уйғотишга кўмаклашмоқда.

Экономикани тубдан ислоҳ қилиш, хўжалик ҳисобини чуқурлаштириш, бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик системасига батамом барҳам бериш, қишлоқ турмушини қайта қуриш афзалликларини танлаш билан боғлиқ масалалар комплекси ўзига зўр эътиборни жалб қилди.

Мамлакатда барча ана шу йўналишларда жўшқин иш авж олдириб юборилди, деб таъкидланди нутқларда. Орёл областида ўз имкониятларини очиб бораётган бу тажриба мазкур ишни янада мақсадга мувофиқ ва самарали қилишга кўмаклашади.

Сўнгра **М. С. Горбачев** нутқ сўзлади. Нутқ эътибор бериб тингланди ва қарсаклар билан кутиб олинди.

* * *

Шу куниёқ М. С. Горбачев Москвага жўнаб кетди.

Академия фани қайта қуришга хизмат қилсин

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, илмий тадқиқотларни ташкил этишни янада такомиллаштириш — совет жамияти ҳаёти барча жабҳаларини қайта қуришнинг муҳим шартидир. 16 ноябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон ССР Фанлар академияси умумий йиғилишида шу ҳақда гапирилди. XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорлари асосида республика олимларининг вазифалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президенти М. С. Салоҳиддинов докладида ва нутқларда фандаги қайта қуриш жараёни совет жамияти тараққиётини жадаллаштиришга қаратилиши лозимлиги таъкидланди. Республика академия фани билан Ўзбекистон ССРнинг Иттифоқдаги

ДЕПУТАТ ВА ПЛАН

Олий Совет сессиялар ўртасида

Республика Госплани раиси И. Искандаров Ўзбекистон ССР Олий Совети доимий комиссияларининг 1989 йилги Давлат планини тузишга қўшган ҳиссасини баҳолаб, бу гал депутатлар план лойиҳасини илгари кўпинча бўлганидек юзаки эмас, балки чуқур ва ижодий муҳокама қилдилар, деди. Қайта қуриш даврида айни шундай бўлиши ҳам керак-да! Тўғри, шу ернинг ўзидаёқ баъзи писандалар ҳам айтилди... Лекин улар ҳақида кейин гап боради.

Ҳозир эса ҳам маъқулланган, ҳам писандаларга сабаб бўлган ишнинг ўзи тўғрисида қисқача айтиб ўтамиз. Олий Совет сессияси арафасида план-бюджет комиссиясининг Қонун чиқарувчи олий орган бошқа доимий комиссиялари вакилларининг иштирокида ўтказилган мажлисда ана шу ҳақда гап борди.

Бундай мажлислар аввалларидан ҳам канда қилмай чақириб турилганини эслатиб ўтамиз. Кузги сессияга бир неча кун қолганда минглаб рақамларни ўз ичига олган катта-катта томлар депутат комиссияларига тақдим қилинарди. Уларни варақлаб чиқишга вақт аранг етарди... Лойиҳага баҳо беришга уриниб кўришарди, албатта, аммо мана шу гуж-гуж рақамларни тузишга дахлдор бўлган баъзи амалдор депутат фикр-мулоҳаза ёки маслаҳатни менсимасдан тингларди. Тафсилотларга берилиб ўтирмай, шу амалдор бирон нарсани ўзгартиришга вақт йўқ, деб қўяверарди. Таклиф этилган лойиҳа учун «якдиллик билан овоз бериш» қоларди, холос. Ваҳолонки, гап турмушимиз барча соҳаларини ривожлантиришнинг йўналишини ҳам, характерини ҳам белгилаб берувчи гоят муҳим ҳужжатлар ҳақида борарди.

Бу йил депутатлар планларнинг лойиҳаларини сессиядан бир неча ой илгари талаб қилдилар. Эндиликда эса бошқача иш тутишни тасаввур қилиш ҳам қийин. Чунки план сессияда қонун кучини олиши керак. Демак, ҳал қилувчи сўз қонун чиқарувчида бўлиши лозим. Доимий комиссияларда эса зиммасига юксак масъулият юкланган, ишнинг ўзини биладиган давлат арбоблари бор. Айни шу нарса ишга ижодий тус бағишлади. Депутатлар лойиҳага баҳо берибгина қолмай, уни фаол равишда такомиллаштирдилар ҳам. Бунда улар бир неча ой мобайнида социал-иқтисодий ривожланишга доир туб муаммоларни изчиллик билан ўрганиб ҳал қилдилар, талаб этилган тақдирда эса масалага яна ва яна қайтдилар.

Бир неча жиҳатларни келтирамиз. Депутатларнинг экономика барча тармоқлари фаолиятини таҳлил қилиб билдирган фикрлари туфайли саноатда 298 миллион ва қишлоқ хўжалигида 170 миллион сўмлик маҳсулотни қўшимча равишда кўзда тутишга муваффақ бўлинди. Хўш, ана шу миллионлар қаердан олинди? «Лойиҳачилар» уларни қандай қилиб кўрмай қолишди экан? планлаштиришда меҳнат коллективларидан бошлаб омманинг коллектив ижодиётига таянниш керак, деган ҳақиқат яна бир бор тасдиқланди. Депутатлар эса конкрет мисоллар келтиришди: қувватлардан яхши фойдаланилмаяпти, меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг кўпгина имкониятлари ишга солинмаган, ресурслар ортиқча сарфланмоқда, маҳсулотнинг сифати пастлигидан нобудгарчилик ниҳоятда кўп.

Бунда гап энг оддий тартибни ўрнатиш ҳақида боряпти... Ваҳолонки, бизнинг ихтиёримизда минг-минглаб новаторларнинг ижодкорлиги, хўжалик юритишнинг илғор формалари, фан ва техниканинг фойдаланилмай қолган ютуқлари бор. Яна бир гап борки, у ҳам бўлса, биз йил сайин планларни рўёбга чиқаришга қириша туриб, шундай ғовларга дуч келардикки, булар кўпинча бизнинг талайгина орзу-умидларимизни пучга чиқарарди.

Чунончи, буйруқбозлик-бюрократик услубнинг кўринишларидан бири — планларнинг номутаносиблиги катта зиён етказарди. Мана бу гал ҳам комиссиялар «Уй-жой» программаси бинокорлик материаллари, ускуналар, маблағлар билан тўла таъминланмаганлигини савдо соҳасидаги планлар товарлар етказиб бериш тўғрисидаги шартномалар билан мустаҳкамланмаганини; Ўзбекистон қишлоқ хўжалик машинасозлиги эртага деҳқонлар нимани талаб қилиб қолишларини билмаслигини, уй-жой фонди материаллар билан таъминланмаганини аниқладилар... Шу тариқа план тасдиқлангунга қадар унинг ўнлаб бўлимлари барбод бўлмоқда.

Кўп нарсаларни қидириб топишга, маслаҳат бериб қўйишга муваффақ бўлинди. Аммо бунда меҳнат коллективларининг ташаббусини авж олдириш, ишчанлик фазилатларини намоён этиш, мумкин бўладиган ҳаволга эришиш энг муҳими деса бўлади. Шундай қилиб, ижарани кенг кўламда жорий этиш, кооперативларнинг уюшмасини таъсис қилиш, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг узоқ муддатли концепцияларини ишлаб чиқиш, экология сиёсатини такомиллаштириш юзасидан конкрет тавсияномалар берилди.

Халқ хўжалигининг айрим тармоқларига конкрет ёрдам — комиссиялар фаолиятининг яна бир томонидир. «Коммунал хўжалиқ» кичик программасининг «Уй-жой», программасига киритилиши, маҳаллий саноатни янги техника билан таъминлаш, илгари идора бўлган биноларни касалхоналар ва поликлиникаларга айлантириш учун катта корхоналарни жалб этиш, минглаб эски уйларни телефонлаштиришга ва АТСларда бекор ётган 150 минг номерни ишга туширишга ёрдам бериши мумкин бўлган корхонани ташкил этиш таклиф қилинган тадбирлар жумласидандир...

Бордию, иш Иттифоқ министрликларига бориб тақалса-чи? Масалан, электротехника саноати корхоналари билан шундай бўлган эди... Доимий комиссиялар министр О. Г. Анфимовдан ўз қарамоғидаги заводларда ишларнинг аҳволини ўша жойда текшириб кўришни илтимос қилдилар. Гарчи Олег Георгиевича республика Олий Совети ана шу заводларнинг тақдиридан министрликка қараганда камроқ манфаатдор эмаслигини шаъма қилишган бўлса-да, у Ўзбекистонга келишга шошилмади. Илгариги вақтларда иш бу билан тамом бўлиб қўя қоларди. Доимий комиссия ўзининг ўй-фикрларини СССР Министрлар Советига билдирган эди. Министрлик билан даҳол бир фикрга келишди. Қўмир саноати министри Ангрен разрезининг ишларини кўриб чиқиш тўғрисида таклифга тўғри тушуниб қаради.

Комиссиялар лойиҳага баҳо бера туриб, уни бу йилги ишлар билан қиёсладилар, чунки янги планнинг муваффақияти шу ишларга боғлиқ. Депутатлар республика экономикаси тобора соғломлашаётганини, хўжалик юритиш янги усуллари ва формаларининг хайрли кучини таъкидладилар. Камчиликларни ҳам қайд этиб ўтдилар, шу камчиликларнинг кўпини ҳозирнинг ўзидаёқ тўзатиш ёки ҳеч бўлмаганда келгусида назарда тутиш мумкин.

Кўпгина муаммоларда якдил фикр ҳам, мунозаралар ҳам, принципиал тузатишлар ҳам бўлган мана шу бутун иш лойиҳани жуда яхшилашга ёрдам берди. Комиссияларнинг фикрича, лойиҳа халқ хўжалигини ривожлантириш суръатлари жадаллаштирилишини, унинг тармоқ, территориал ва умумиқтисодий пропорциялари такомиллаштирилишини, Умумиттифоқ ихтисослашуви чуқурлаштирилишини кўзда тутади. 1986—1988 йилларда йўл қўйилган қолоқлик ўрнини тўлдириш учун миллий даромад, ялпи ижтимоий маҳсулот, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулоти, уй-жойларни фойдаланишга топшириш юзасидан беш йиллик топшириқларидан ошиб кетиш назарда тутилади. Техника тараққиётига дахлдор тармоқлар, шунингдек халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи тармоқлар айниқса тез ривожлантирилади. Агросаноат комплекси пахтачиликни ривожлантириш билан бир қаторда Озиқ-овқат программаси бажарилишини жадаллаштиради.

Комиссиялар 1989 йилги иқтисодий ва социал ривожланиш давлат планини тасдиқлаш тўғрисида таклиф киритадилар. Аммо унга қўшимчалар ва тузатишлар киритилади.

Демак, доимий комиссиялар ҳамма нарсага эриша олмаяптилар-да. Ҳозирча йўқ. Масалан, Госплан мактаблар ва болалар боғчалари қурилиши программасини кенгайтиришнинг имконияти йўқ, деб ҳисоблади. Худди шу ерда Госплан раиси изоҳ бериб, вақт ўтди, сессиягача уч кун қолди, ҳозирдаёқ ҳамма нарса ёзиб қўйилган деди... Шу пайт депутатлар бу ҳақда сессиягача уч кун қолганда эмас, балки беш ой илгари гап борганлигини эслатиб ўтишларига тўғри келди. Госпланнинг бironта ҳам вакили мана шу бутун вақт мобайнида депутатларнинг таклифини далиллар билан рад этишни ўзига эп кўрмади. Ҳолбуки, республика мактаблар ва болалар муассасалари билан яхши таъминланмаган. План органининг раҳбарига мактаблар ва болалар боғчалари тўғрисида яна бир бор ўйлаб кўришни тавсия қилишди.

Яна бир сабоқ: Ўзбекистон ССР Олий Советининг доимий комиссиялари 1990 йилги план устидаги ишларни янги йил бошидан бошлайдилар. Вақт ҳам етарли бўлади, писандаларга ҳам ўрин қолмайди. Барча даражалардаги халқ депутатлари Советлари — қишлоқ, район, шаҳар, область Советлари эса қонун чиқарувчи олий органнинг тажрибасини ўзлаштириб олишларидан ташқари, планларни тузишда унинг муносиб шериклари ҳам бўлиб қола оладилар.

Е. ЕФИМОВ,
ЎзТАГ шарҳловчиси.

САНИТАР ВРАЧНИНГ АКТИВ ПОЗИЦИЯСИ

Социалистик мамлакатлар санитария-эпидемиология хизмати раҳбарларининг 15 ноябрь куни Тошкентда очилган кенгашида экология ва инсон саломатлиги, сифатли ичимлик сув билан таъминлаш ва юқумли касалликларга қарши кураш муаммолари ва бошқа кўпгина муаммолар муҳокама қилинмоқда. Кенгашда барча иттифоқдош республикалардан келган ҳамкасблар билан биргаликда Болгария, Венгрия, ГДР, Куба, Монголия, Польша, Чехословакия мутахассислари иштирок этишмоқда.

— Тошкент учрашуви социалистик мамлакатлар санитар врачлари куч-ғайратини бирлаштиришда муҳим роль ўйнаши керак, — деди кенгашни оча туриб Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министри С. М. Баҳромов. У ҳозирги вақтда санитар врач илгари бўлганидек, назорат вазифасини шунчаки бажарибгина қолмай, турмушга фаол аралашиши ҳам зарур, деди.

Кейинги вақтда Ўзбекистон санитария-эпидемиология хизмати ўжалик раҳбарларининг кучли тазйиқига қарамай, Тошкент шаҳрида, Қашқадарё область, Китоб районининг курорт зонасида, бошқа жойларда бир қанча саноат корхоналари қурилишига руҳсат бермади, Навоий, Чирчиқ, Фарғона шаҳарларида азотли ўғит ишлаб чиқаришни кўпайтиришни тақиқлаб қўйди. Санитар врачларнинг фаол иштирокида республиканинг барча пахта тозалаш заводларини шаҳарлар ва поселкалардан ташқарига олиб чиқиш программаси тузилди. Санитария-эпидемиология хизматининг ташаббуси билан ҳукумат комиссияси тузилди. Мазкур комиссия «2000 йилда ичимлик сув» лойиҳасига оид ишларни яқинда ниҳоясига етказди. Комиссия келгуси аср бошларида Ўзбекистоннинг бутун аҳолисини сифатли ичимлик сув билан, барча аҳоли пунктларини эса канализация билан тўла таъминлашни кўзда тутади. Бу эса ошқозон-ичак касалликларини анча камайтириш имконини беради. Маълумки, республикада бундай касалликлар билан оғриш ҳамон юксак даражададир.

Социалистик мамлакатларнинг мутахассислари тўрт кун давомида тажриба алмашадилар, санитар врачлар учун биргаликда тавсиялар ишлаб чиқадилар. Меҳмонлар Чирчиқ санитария-эпидемиология станциясини бориб кўрадилар, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институтининг иши билан танишадилар. Мазкур институтда халқ хўжалигида фойдаланилаётган химиявий препаратларнинг заҳарлилиқ даражаси ва гигиена жиҳатларини аниқлаш борасида муҳим иш олиб борилмоқда. (ЎзТАГ).

• Спорт

КУРАШ:

УЧИНЧИ СОВРИНДОР

Ленинград областининг Кириши шаҳрида дзюдо кураши бўйича аёллар ўртасида Бутуниттифоқ биринчилиги ўтказилди. Бирлашган кўнгилли спорт жамияти марказий Совети мусобақаси дзюдо хотин-қизлар ўртасида оммавийлашиб бораётганлигини кўрсатди. Мусобақада 13 иттифоқдош республика, Москва ва Ленинграддан 175 нафар курашчи қатнашди. Республикамиз вакили И. Кулакова вазни 52 килограммгача бўлган дзюдочилар қатори курашиб, Винница шаҳридан Л. Краснянская, олмаоталик Н. Кирсанова, ленинградлик С. Соколовадан устун келиб, саратовлик А. Колесовага имкониятни бой берди. Курашчимиз учинчи ўрин учун баҳсда тюменлик Т. Кизелевани мағлубиятга учратиб, бронза медалини қўлга киритди.

ЧИМ ХОККЕЙ:

ЙИРИК ҲИСОБЛАР

Эркаклар олий лига командалари ўртасида мамлакат чемпионатининг сўнгги учрашувларида йирик ҳисоблар қайд этилди. Чунончи Ленинскнинг «Старт» командаси Андижоннинг «Звезда» коллективини қабул қилиб, дарвозадан жавобсиз 7 та тўп ўтказиб юборган бўлса, Фарғонанинг «Химик» коллективига 1:9 ҳисобида ютқазди. Андижонлик хоккейчилар ҳисобидаги очколар 18 тага етди. Олмаота динамочилари эса «Раздан» ва «Звезда командаларидан устун (бир хил — 2:1) келиб, 36 очко билан 15-марта мамлакат чемпиони бўлишди.

ФУТБОЛ:

СЎНГГИ УЧРАШУВДА

Олий лига командалари шанба куни мамлакат чемпионатининг якунловчи тур учрашувларини ўтказишади. «Днепр» футболчилари эса муддатидан илгари чемпионликни қўлга киритиб, охирги ўйинни ўз майдонларида Минск динамочилари билан ўтказишди. Бу ўйинда майдон эгалари 4:3 ҳисобида устун келиб, жами очколарини 46 тага етказдилар. Киев динамочилари билан пойтахт торпедочилари кумуш ва бронза медалларига даъвогарлик қилишмоқда. Улар ҳисобида 41 та, 40 тадан очко бор. Спартакчилар 38 та очко тўплашган. Сўнгги турда киевликлар «Нефтчи»ни, Торпедочилар «Арарат»ни спартакчилар эса «Зенит»ни қабул қиладилар.

Редактор
Л. ҚАЮМОВ.

ДЎСТЛИК ФЕСТИВАЛИ

18 декабрдан 25 декабрга қадар Тошкентда «Ўрта Осиё ва Қозоғистон қардош иттифоқдош республикалари пойтахтларининг дўстлик ҳафталиги» фестивали ўтади. Унда меҳнат коллективларининг раҳбарлари, социалистик мусобақа ғолиблари, ижодий зиёлиларнинг вакиллари, бадиий ҳаваскорлик коллективлари, Олмаота, Ашхобод, Душанбе, Фрунзе, шунингдек Самарқанд, Бухоро, Ленинобод, Чимкентнинг миллий таом пазандалари қатнашадилар. Бўлажак дўстлик байрами ташкилот комитетининг Ўзбекистон пойтахтида ўтказилган мажлисида шу ҳақда маълум қилинди. Фестиваль программаси муҳокама этилди. Программа доирасида дўстлик митинглари ўтказиш, концертлар уюштириш, турдош корхоналар ўртасида шартномалар тузиш мўлжалланмоқда. Фестиваль ўтказиш билан шуғулланаётган министрликлар, идоралар, турли ташкилотларнинг раҳбарлари ахборот беришди.

(ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

Наманганда халқ депутатлари область Советининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессия қатнашчилари область ижроия комитети раиси Б. Ж. Ҳакимовнинг «Область халқ хўжалигини бошқариш схемаси тўғрисида»ги докладини муҳокама қилдилар. Муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНИ

16 ноябрь куни Тошкентга Бангладеш Миллий халқ партияси (МХП) Бош секретари Панкаж Бхаттачарья келди.

У шу куниёқ чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамиятида қабул қилинди. Бу ерда жонли суҳбат бўлди.

Республика меҳмони программага кўра Тошкентнинг диққатга сазовор ерлари билан танишади, Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасига боради, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния бошқармасида суҳбатда бўлади. Меҳмон Тошкентдан ташқари Урганч, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларига ҳам боради.

(ЎзТАГ).

• Луқма

ДЕЛЕГАТЛАР НИМАНИ ЎҚИЙДИ?

Район партия конференцияси партия ташкилотлари, шунингдек, бутун район ҳаётида содир бўладиган муҳим сиёсий воқеадир. Шу боисдан ҳам барча меҳнат коллективларида ана шу анжуманга қизғин тайёргарлик кўрилади, ютуқ ва камчиликлар сарҳисоб қилиниб, келгуси режалар белгиланади.

Конференцияга матбуот органлари ҳам жиддий ҳозирлик кўришади. Одатда район газетасининг конференция очиладиган куни чиқарган сони оддий номерлардан фарқ қилади. Унда газетхонларнинг диққат-эътиборини район экономикаси ва социал-маданий ҳаётининг турли жабҳаларида эришилган ютуқлар ва тўпланиб қолган муаммоларга қаратувчи материалларга кенг ўрин берилади. Бу эса коммунистлар анжуманининг ишчанлик, принципиаллик, танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида ўтишига хизмат қилади.

Энди Косон район «Шарқ юлдузи» газетасининг район партия ташкилотининг конференцияси очилган кунининг эртасига чиққан сонига бир назар ташлайлик. Афсуски, газета оддий номерлардан фарқ қилмайди. Унда «Кеча район партия ташкилотининг XXX конференцияси иш бошлади. Делегатлар район партия комитетининг район партия конференциясига докладини тингладилар ва муҳокама қилишга киришдилар», деган бир оғиз информация берилган холос. Газета саҳифаларининг ярми ЎзТАГ ва ТАСС материаллари билан тўлдирилган. Маҳаллий материаллар эса асосан ҳисобот ва ахборот характерида бўлиб, уларда бирон бир муаммо кўтарилмаган, танқидий фикр, теран мулоҳаза йўқ. Ҳатто конференция делегатлари — «Шарқ юлдузи» колхози чорвадори Т. Омонова мақоласида ҳам «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» совхози ҳайдовчиси Қ. Ҳуррамов ҳақидаги лавҳада ҳам одамларнинг қалбида жўш ураётган қайта қуриш қайфияти сезилмайди. Ваҳолонки, бу икки делегат ўз коллективидаги мавжуд муаммоларни куюнчаклик билан тилга олиши лозим эди. Бунинг устига газета саҳифаларидаги фотосуратларнинг сифатсизлиги ҳам дилни хира қилади.

Албатта, бу билан конференция кунига чиқариладиган газетани баландпарвоз шиорлар, чақириқлар ва ваъдаларга тўлдириб юборишдек ярокисиз иш услубини қувватламоқчи эмасмиз. Ҳозир журналистларимиз ортиқча дабдабасиз бор гапни аниқ ва лўнда айтишни ўрганиб олишди. Умуман, газетанинг ҳар бир сонида ўқувчини тўлқинлантирадиган, ўйлантирадиган, ҳаракатга келтирадиган проблематик мақолалар бўлишини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Ахир Косон районида йиллаб ҳал этилмай келинаётган муаммолар йўқ дейсизми?

Ана шундай мулоҳазалар ўртага ташланган мақолалар конференция делегатлари эътиборига ҳавола қилинганда район коммунистлари анжумани бугунги кун талаблари асосида ўтишига газета ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган бўларди.

КИМНИНГ УСТИДАН КУЛЯПСИЗ?

«ОГОНЁК» ЖУРНАЛИДАГИ «ПАХТА ҚУЛИ» МАҚОЛАСИ ХУСУСИДА

«Бу Дамир. У ҳозир пахта теряпти. Ундан жилмайишини сўрадим. У тушунди, лекин табассум қила олмади».

«Огонёк» журналининг 43-сонида босилган «Пахта қули» сарлавҳали мақола ана шундай сўзлар билан бошланади. Шу ерда этак тутган Дамирнинг фотосурати ҳам берилган. Кўнгил очиш учун гўё Ўзбекистоннинг қонталаш яраларини танлаб олган бу муаллифнинг ҳамма ёзганлари каби журналда босилган 74 сатр ҳам ўткир, ҳатто анқиб турибди.

Лекин олдин Дамир тўғрисида — журналнинг ёзишича, Ўзбекистон пахтачилигида плакатларда «Каттаклар кулиб турган бўлса ҳам, пахтани болалар теришмоқда», — деб айтилган гапларга — «Пахта қули»га тўхталиб ўтайлик.

Унда боланинг фамилияси ҳам, адреси ҳам йўқ. Фақат бундай дейилган: «Мен икки ўзбек ёзувчиси билан (гувоҳлар!) Тошкент областидаги Ўрта Чирчиқ районида бўлдим». Биз ўша Дамир Шароповни топдик. 16 яшар Дамир 15-ҳунар-техника билим юртида ўқир экан. Мастер Абдурасул Рисқулов бўлган воқеани гапириб берди: «даладан тушки овқатга қайтаётган эдик, группа олдинда, мен эса орқада борардик. Қарасам йўлда оқ «Волга» тўхтади, ундан уч киши тушди, улардан бири суратга олди, бошқалари болалар билан гаплашишди. Узоқ гаплашишдими, деб сўраяпсизми? Мен етиб боришга улгурмадим, улар машинага ўтириб жўнаб қолишди...»

Жуда қулай йигитча учраб қолди. Дамир Шаропов суратда қовоғи солиқ, чунки ҳаётда ҳам шундай. «Қандай қилиб қувноқ бўлсин, — деди унинг опаси Гуля, — уни биз Тошкентдан қидириб топдик, болалар боғчасида тарбия чи бўлиб ишлар экан. — Биз бухороликмиз, отамизни ток уриб ҳалок бўлган, онамиз ғамга бардош бера олмади. Биз беш бола етим қолдик, — каттаси мен, тўртта укам бор. Катталари ўқишни битириб, тарқаб кетишди. Дамирга қийинроқ бўлди. Биз етим қолганимизда у уч яшар эди. 15 ёшгача болалар уйида тарбияланди, кейин ҳунар-техника билим юртига юборишди: пайвандчи бўлади. Менинг олдимга ҳам келиб туради. Фақат дам олиш кунлари...»

Хўш, ҳаётда ота-онасининг меҳрига қонмаган Дамир нотаниш киши кул деса, қулавериши керакмиди? Ахир, бечора бола экскурсиячилар сифатида ёнидан «Волга» машинасида ўтиб кетган одамлар ўзининг халоскори, пахтазордаги қулларча меҳнатдан халос қилувчи кишилар эканлигини билмаган-да. «Волга»дагилар эса Дамир ва унинг муаммоларига қизиққанлари ҳам йўқ. Улар эксплуатация қилинаётган болаларнинг йиғма образини қидирганлар, айрим болаларнинг тақдири ёзувчиларни қизиқтирмайди.

«Шу ерда уларни қидириш адди. Шу ерда улар ухлашади», булар худди «Том тоғанинг кулбаси»даги каби пахтанинг кичик қуллари, деб ёзади «Огонёк» журнали.

Ҳа, уларни шу ерда, билим юртининг ошхонасида овқатлантиришади. Мен ҳам улар билан биргаликда овқатландим. Нонуштага нон, сариёғ, котлет, чой беришди. (Журналда ёзилганидек, нон, сариёғ ва чой эмас). Тушликка гўштли шўрва, флотча макарон (яъни пиширилган макаронга қийма аралаштириб), компот беришди (журналда ёзилганидек, «шўрва, бўтқа» эмас). Пешинга узум билан нон беришди (журнал пешинлик овқат тўғрисида ёзмаган: «Куз, Тошкент. Сабзавот-мевалар қаёқда?» деб ёзган). Кечки овқатга шавла тортилди, орқасидан нон ва чой берилди: Карам шўрва, қовурдоқ ҳам тайёрлашади, лекин ҳафтада бир-икки марта. Бу овқатлар ресторандаги каби эмас, аммо ҳар қандай болалар уйи, интернатдагидан, мамлакатимиз ҳарбий қисмларидагидан қолишмайди. Уларни шу ерда кийинтиришади — улар тўла давлат таъминотида, шу ердаги тўрт қаватли ётоқхонада ухлайдилар. Шу ерда — янги ўқув корпусида машғулот ўтказадилар. Техникани шу ерда ўрганадилар. Бунинг учун тўртта сеялка, 19 та трактор, тўртта юк машинаси, иккита скрепер, учта бульдозер, иккита терим машинаси бор. Учинчи курсдаги болалар устахоналарда ва хўжалик цехларида ишлайдилар.

«Ҳар куни ишлайсизларми? Йўқ, кун сайинми?». Бу москвалик амакининг рус тилини яхши билмаган болаларга қилган ҳазили. Ҳа, қишлоқларимизда болалар баъзан ўқишни ҳам, санашни ҳам яхши билмайдилар. Бу ўлкани ўзининг она юрти ҳисоблаган кишилар йиллаб давом этган кўзбўямачилик ва дабдабабозлик, алдашлар келтириб чиқарган кулфатлардан қалби ларзага келади. Москвалик амаки эса ачиниш ўрнига ҳазил қилган.

Кези келганда таъкидлаб ўтайлик. Дамир саволга тўғри жавоб берди. Нима учун инсон қалбининг сан-техниклари пойтахтдан келган амакига билим юртида қишлоқ учун тракторчилар, шоферлар, слесарлар, фермаларнинг ишчилари, пайвандчилар тайёрланишини тушунтиришмади? Бутун мамлакатимиздаги қишлоқ ҳунар-техника билим юртлари каби бу ерда ҳам дала — ўқишнинг таркибий қисми. Қўлда пахта теришга келганда эса, ҳунар-техника билим юртида 704 нафар бола ўқийди, уларнинг ўқув хўжалиги 30 гектардан иборат, шу ердан 66 тонна пахта териб олишди, ҳар бир ўқувчи ўртача 92 килограммдан пахта терди ҳисоб, болалар икки кун давомида қўшниларга уруғлик пахтани териб олишда ёрдам бердилар. Хўш, бунинг нимаси ёмон? Бутун дунёда деҳқон фарзандлари далаларда меҳнат қилади, акс ҳолда деҳқонлар ҳам бўлмайди, халқни тўйдирувчилар ҳам бўлмайди.

Бутун масала асосий ҳосил кимнинг қўли билан териб олинганида. Ҳунар-техника билим юрти районда битта, холос. Мактаблар эса 68 та, шу мактабларнинг ҳаммасида ўқиш тўхтаб қолгани йўқ, машғулотлар давом этди (ижарачиларнинг болалари дарсдан кейин далага чиқиб ота-оналарига ёрдам берганликлари равшан). Район республикада биринчи бўлиб далаларни пахтадан тозалаб, шудгорлаб қўйди— мен умримда бунақасини кўрмаган эдим. 46 минг тонна пахтадан 35 минг тоннаси машиналар билан териб олинди. Қолган қисмини катта ёшдаги теримчилар бажонидил йиғиштириб олдилар: пахтага бошқача ҳақ тўланди — биринчи сорт, энг яхши пахтанинг килограммига 15 тийиндан, қолганига арзонроқ тўланди. Ҳашарчиларни эса, ҳосилни ўзимиз териб оламиз, деб Чирчиққа қайтариб юборишди. Хўш, бу ишларни ким қилди, болаларми ёки уларнинг «Плакатларда кулиб турган» ота-оналарими?

Фактлар ана шундай. «Уста ва Маргарита» китобидаги Коровьевнинг: Гражданин, ёлғон гапирганингиз билан табриклайман! — деган машҳур сўзлари бизнинг авторимизга қаратилган эмасмикин!

Энди ўша гражданнинг номини айтсак бўлар. У — Александр Минкин. Олдин биз унинг Ўзбекистонда бутифос ишлатилганлиги тўғрисидаги ёлғон гапларини фош қилган эдик. Усимликлар ва тупроқни химиявий анализ қилиш йўли билан унинг мақоласида келтирилган фактларни текширишдан бош тортганлиги, қаерда бутифос ишлатилганлигини кўрсатишни ваъда қилиб, яна ваъдасининг устидан чиқмаганлигини ёзган эдик. Унинг «Пахта қули» мақоласини биринчи бўлиб «Огонёк» журнали босиб чиқаргани йўқ. Таассуфки, бу мақолани биринчи бўлиб республика Ёзувчилар союзи ва Маданият министрлигининг Тошкентда чиқадиган «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси босиб чиқарди. Минкин мақолани қисқартириб, қолган қисмини «Огонёк»ка сотди, қўрқоқлик қилиб, уни «Александр Треплев» деган тахаллус билан эълон қилди.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси мухбири билан суҳбатда Александр Минкин республика раҳбарларини ўз халқини химикатлар билан онгли равишда заҳарлашда айблади. Унинг ана шу гапларини дунёнинг нариги четидан «Озодлик» радиоси такрорлади, такрорлаганда ҳам, бу суҳбат «Известия»да босилиб чиқди, деб ёлғон-яшиқларни қўшиб такрорлади. Ўзбекистонда ҳеч ким очиқ гапира олмайди. Москванинг энг яхши ёзувчилари ўзбек халқини ҳимоя қилмоқда, демоқчи бўлди.

«Бўстонлиқ ҳимоячилари» Минкинни Ғазалкентдаги йиғинга олиб бордилар, Минкин у ерда нутқ сўзлаб, районда саноатни ривожлантиришни ёқлаётган барча депутатларни вакоатларидан маҳрум қилишга даъват этди. Унинг нутқи баёни «Тошкент ҳақиқати» газетасида босилиб чиқди.

«Огонёк» журналида босилган «Ажал келтирувчи юқумли касаллик» мақоласида дефолиация ўтказишни, яъни машина теримини тўхтатиб, миллионлаб кишиларни пахтани қўлда териб олишга мажбур этишни талаб қилди.

«Огонёк»да у бундай ёзади: «Болалар Рашидов даврида далада эдилар, Усмонхўжаев даврида далада бўлдилар, шу йилнинг апрелида ҳам далада эдилар — бирор нарса ўзгардими?». «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида эса бундай илова қилди: ўз кўзим билан кўриш учун кетаяпман, агар пахта тераётган болаларни кўрмасам — «Ўзбеклардаги қайта қуришга ишонаман». Болаларни пахтазорда кўрди, бинобарин, «Ўзбекларда» қайта қуриш йўқ экан-да.

Худди мана шу мақсадни кўзлаб — бизда қайта қуриш йўқ, деб ишонтириш учун Минкин ва унинг маҳаллий ҳомийлари жон куйдирмоқдалар. Республикада юз бераётган ўзгаришлар пичоқдек суягига қадалаётган кишиларнинг манфаатларини ҳимоя қилмоқдалар.

Қўйинг-чи, гап Минкинда эмас, унинг ўрнига бошқасини топишлари мумкин эди. Лекин «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси редакциясида ўтган йили болаларни пахтага олиб чиқибгина қолмай, шу билан бирга мактаб ўқувчиларининг бу «олижаноб ташаббусни қўллаб-қувватлашини» матбуотга буюрганликларини наҳотки билмаса! Бу йил эса, Министрлар Советининг фармойиши, республика халқ таълими министрининг буйруғи чиқди: пахта теримида болаларнинг меҳнати биринчи марта расмий равишда таъқиқлаб қўйилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси журналистларга бу буйруқни бузиш фактларини очиб ташлашни, айбдорлар жазоланишига эришишни топширди. Бутун матбуот бу қийин ишга қўшилди. Йиллар давомида болалар меҳнатини шармандаларча эксплуатация қилиб келишди, бир мавсумда бу одатни таг-томири билан қўпориб ташлаш қийин. Лекин бу ўзгаришларни баъзи бировлар кўрмаяптилар, чунки кўрмасликка олиш улар учун фойдалироқ.

Ишимиз энди юришаётган пайтда ёлғон-яшиқ гаплар билан вазиятни беқарор қилиш умидида Минкиндан фойдаланиб қолишди. Бу ўринда фикрларнинг хилма-хиллиги ва ошкоралик тўғрисида гапирмай қўя қолишсин. Бу тушунчаларга доғ туширмаслик керак. Ошкоралик — иш манфаатларини кўзлаб ҳалол баҳс юритадиган кишилар учун зарур.

Ўзбекистоннинг ҳалол етиштирган пахтасидан бутун мамлакат биз билан бирга қувонмоқда. «Огонёк» журналида босилган ўша 74 сатр қилинган ишларни йўққа чиқара олмайди, бизни йўлдан оздира олмайди. Биз меҳнат қилаверамиз, муаммоларимизни ҳал этаверамиз. Болаларимизга фанларни, ишчи касбларини, оталаримиз ва боболаримизга шон-шуҳрат келтирган деҳқончилик маҳоратини ўргатаверамиз. Биз ҳам, фарзандларимиз ҳам ҳеч қачон қул бўлмайди. Александр Минкиннинг «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида босилган мақоласи ҳамда «Огонёк» журналидаги «Пахта қули» мақоласи меҳнаткаш халқимиз юзига туф бўлди, у яқин ўтмишнинг машъум меросини бутунлай тугатишга бел боғлаган меҳнаткаш халқнинг юзига туфлади. Газета ва журнал Минкиннинг ана шу қилмиши учун газетхонлар ва журналхонлардан узр сўраса ўринли бўлур эди.

Ю. КРУЖИЛИН,
ЎзТАГ мухбири.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 17/XI **Зебуннисо**, 18/XI да **Севги тумори**, 19/XI да **Тоҳир ва Зуҳра**.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 17/XI да **Келинлар қўзғолони**, 18/XI **Юлдузли тунлар**, 19/XI да **Зебуннисо**.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 17/XI да **Рожа**, 18/XI да **Ҳийлаи шаръий**, 19/XI да **Шайтон ва муридлар**.

●

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги М. Қориёқубов номли Ўзбек давлат филармонияси

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

28, 30 НОЯБРЬ СОАТ 19.30 ДА

М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ

Ўзбекистон ССР халқ артисти

ҚИЗЛАРХОН ДЎСТМУҲАМЕДОВА

«ШОДЛИК» ашула ва рақс ансамблининг етук хонандаси

НУРИДДИН ҲАЙДАРОВларнинг

ЯПОНИЯДА БЎЛИБ ЎТГАН ГАСТРОЛ САФАРЛАРИ АСОСИДА

ҲИСОБОТ КОНЦЕРТ

**Билетлар СССР халқ